

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

СЎФИХЎЖАЕВА НОЗИМАХОН НАБИЖОНОВНА

**“ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДА
ЭНАНТИОСЕМИЯ ҲОДИСАСИ”**

Ихтисослик: 5 А 220102 – “Лингвистика” (Ўзбек тили)

магистрлик диссертацияси

Андижон-2011

МУНДАРИЖА

1-боб. Тил системаси ва унда энантиосемиянинг тутган ўрни.

- 1.1 Сўзларнинг маъно муносабатга кўра турлари ва улар орасида энантиосемиянинг тутган ўрни. 5-23
- 1.2 Энантиосемия ва антонимия. 24-30

2 боб. Энантиосемиянинг нутқий кўринишлари.

- 2.1 Лексик энантиосемия 31-38
- 2.2 Фразеологик энантиосемия 39-41
- 2.3 Энантиосемия ва нутқий вазият 42-43

3-боб. Энантиосемиянинг эмоционал –услубий хоссалари.

- 3.1. Энантиосемиядаги ижобий бўёқдорлик. 44-63
- 3.1 Энантиосемиядаги салбий бўёқдорлик. 64

Хулоса 65-66

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 67-68

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, тил жамиятининг қай даражада тараққиётганини кўрсатиб берувчи ўзига хос кўзгу ҳисобланади. Халқнинг миллат даражасига кўтарилишида, шу халқни ташкил этувчи кишиларнинг орзу мақсадлар йўлида жинслашишида, шубҳасиз, тилнинг роли беқиёсдир. Мамлакатимизда ҳам миллий мустақилликка эришиш учун қилинган ҳаракатларнинг дебочасига айнан тил масаласи турганини ҳаммамиз яхши биламиз. Мустақилликка эришгач, кўп соҳаларда, жумладан тилшунослик соҳасида ҳам кўп ўзгаришлар рўй берди. Маъно ва унинг бўлакчалари назарий жиҳатдан тўлиқ таҳлил қилинмаган эди.

Кейинги йилларда жаҳон ва ўзбек тилшунослигида бир қатор янги қарашлар ва назариялар вужудга кела бошлади. Уларнинг асосида лексема унинг таркибий қисмлари семема, сема ҳақидаги масалаларга етарлича эътибор берилмоқда. Жаҳон тилшунослигида энантиосемия ҳодисасига рус тилшунослари Л.Новиков, О.Смирнов, И.Горелов, А.Реформатский, О.Ахмановалар томонидан илмий таърифлар берилган. Лекин ўзбек тилшунослигида ҳали бу ҳодиса ўз ечимини топган эмас.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сема атамаси 80-йилларда Х.Миртожиёв, А.Нурмонов, Н.Маҳмудовлар томонидан ўрганилган. Жумладан, **Ҳ.Неъматов, Р.Расуловлар “Ўзбек тили систем лексикологияси асослари”** номли китобида семема ва унинг таркиби, ифода семалари, вазифа семалари ҳақида фикр юритганлар. Экантиосемия атамаси В.Шерцель томонидан қўлланилган. Рус тилшунослигида **А.А.Новиков, Я.И.Гельбл, И.Н.Горелов, О.И.Смирнов, В.Н.Прохорова, О.М.Соколов, Е.П.Ходакова, А.А.Реформатский, Э.А.Баладикина, О.С.Ахмановалар** томонидан энантиосемия тушунчасига таъриф берилган бўлиб, **К.Абель, О.Г. Скварцов, Р.А.Будагов, И.Пёте, В.Ю.Меликян, В.Н. Цоллер** томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо ўзбек тилшунослигида экантиосемия ҳодисаси ҳали ханузгача ўрганилмаган.

Тадқиқот мақсади. Диссертацияда кўзда тутилган мақсад дунёдаги энг бой, энг чиройли, мазмундор тиллардан бири бўлган ўзбек тилининг ўзига хос белгиларидан бири бўлган семик тармоқланишни ва бунда муомала муносабатда тўғри йўлдан эмас, тере йўлдан кетадиган зид маънавийлик, яъни энантиосемия ҳодисасини олиб бериш, унинг лисоний ва нутқий воқеликларда реаллашувини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари. Диссертацияда назарда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали эришилади:

-Юзага келиш сабабини очиш.

- Нутқдаги реаллашувини кўрсатиш.
- Лексик-семантик ва морфологик белгиларини ажратиш.
- Эмоционал-экспрессив ва услубий хусусиятларини аниқлаш.
- рус тилидаги мисоллар билан қиёслаш.

Тадқиқот объекти ва предмети: Ўзбекча нутқда ўта кам ва камёб, лекин таъсирчан ходиса саналган зид маънавийлик ҳодисаси, унда қўлланилган лексик бирликлар ушбу тадқиқот ишининг объекти саналади. Шунингдек, **А.Қахҳор, Ў.Ҳошимов, М.Осим** каби адибларнинг асарларида қўлланилган эконтиосемик сўзлар ҳам таҳлил қилинди.

Тадқиқот методлари: Тадқиқот методлари олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ишда анъанавий тилшуносликнинг истиқболли усулларидан саналган семик (компонент) таҳлил методидан унумли фойдаланилди. Шунингдек қиёсий-типологик, тарихий-этимологик, дистрибутив методларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1. Семик (компонент) таҳлил методи ўзбек тилига янги кириб келди. Халқимизнинг дунёқарашини шакллантириш, ақл-заковатини ўстиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.
2. Ўзбек тилшунослигида янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Шулардан бири семантик Ғарб ва рус тилшунослигида семантика масаласи атрофлича тадқиқ этилган бўлса-да, ўзбек тилида бу масала ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Айниқса эконтиосемия масаласи умуман ишланмаган ҳодисалардан бўлиб, биринчи илмий-тадқиқот иши ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унинг натижалари ўқувчиларга масалани моҳиятини тушунтиришда семик компонент таҳлил усулидан фойдаланиш, уларга эконтиосемия ҳодисасини тушунтириш катта самара бериши мумкин. Ҳозирги кунда дарсликлар янгиланмоқда ва ДТС ишлаб чиқилмоқда. Она тили ўқитишда янги методлардан фойдаланилмоқда.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни бўйича илмий журналларда (1) ва илмий тўпламларда (1) -жами 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. ТИЛ СИСТЕМАСИ ВА УНДА ЭНАНТИОСЕМИЯНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Сўзларнинг маъно муносабатига кўра турлари ва улар орасида энантиосемиянинг тутган ўрни

Сўз ва лексема атамалари кўп ҳолларда аралаш қўлланади. Лекин улар бир-биридан фарқ қилади. Лексема семема ва номемаларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик саналиб, унинг мазмуний мундарижаси аташ, ифода ва вазифавий семалар муносабатидан иборат бўлади. **Масалан: машина, бургут, олма** лексемаларини олайлик. **Машина-буюм, бургут-қуш, олма-мева.** Уларнинг вазифа семалари турлича. Машина-транспорт, қуш-хайвон, олма-емиш, егулик. Ҳар қандай лексемада бу семалардан “аташ” семаси албатта иштирок этади. Шунинг учун бу сема лексеманинг марказий семаси, қолган семалар чегара семалар ҳисобланади. Масалан, **гапирмоқ, дўнғилламоқ, пичирламоқ, вайсамоқ** лексемалари бир хил аташ семасига эга бўлиб, ифода семаси билан бир-биридан фарқ қилади. “**Гапирмоқ**” да умумий маъно бор, унда эмоционал-экспрессив бўёқ йўқ. **Пичирламоқ, дўнғилламоқ, вайсамоқ, чуғурламоқ** лексемаларида хусусийлик кўзга ташланади. Айнан мана шу ҳолат лексемалардаги семантик тармоқланишни келтириб чиқаради.

Гапирмоқ – фикрини оғзаки баён этмоқ; сўзламоқ, айтмоқ, нутқ сўзламоқ.

Пичирламоқ – бошқалар эшитмайдиган даражада паст овоз билан гапирмоқ; шивирламоқ. шивир-шивир қилмоқ. **Масалан: *Мамажон ўрнидан туриб орқароқда елкасини қисиб бораётган агрономнинг тирсагидан ушлаб, қулоғига пичирлади*** (С. Нуров “Нарвон”).

Дўнғилламоқ – ўз-ўзича ғўнғиллаб, тушуниб бўлмайдиган қилиб ғудурлаб гапирмоқ; пўнғилламоқ. **Масалан: *Толиб ака яна нима балолар деб тўнғиллади. Аммо энди Аҳмад без бўлиб ўтирарди*** (Ф. Мусажонов “Ҳиммат”).


Вайсамоқ – эътиборга лойиқ бўлмаган кераксиз беъмани гапларни гапирмоқ. **Масалан: *Юз-қўзини соқол босган мулозим эшкак эшар экан, тинмай вайсарди*** (М. Осим “Карвон йўлларида”).

Чуғурламоқ:

1. Чуғур-чуғур овоз чиқармоқ, чуғур-чуғур сайрамоқ.

2. Чулдирамоқ (ёш болалар). Масалан: *Уч яшар бола нима эканлигини биласизми? Билмайсиз... Кўчадан келганингизда, тиззангизга ўтирса, кўлчаси билан юзингизни силаса, чўғурласа.* (А. Қаҳҳор “Олтин юлдуз”)¹

Барча ҳолатларда гапирувчи ва эшитувчи ўртасидаги комуникатив акт юзага чиқмоқда. Мақсад аниқ: бир нуқтага йўналтирилган, лекин унинг ифодавий томонида ранг-баранглик кўзга ташланади. Буни куйидаги схема орқали кўрсатиш мумкин.



Сариқ рангдаги йўналиш мусбат (ижобий) йўналиш, қизил рангдаги йўналиш манфий (салбий) йўналиш ҳисобланади. Бундай ранг-барангликнинг сабаби бизнинг энг олий мавжудот ИНСОН эканлигимздир.

Демак, инсон бир фикрни турли хил воситалар орқали ифодалаганда мақсадни кўзлаб иш қилади.

Профессор А.Нурмоновнинг таъкидлашича, “Сўз атамаси лексемалардан бошқа бирликларни ҳам, яъни аташ семасига эга бўлмаган бирликларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, аммо, учун сўз, лекин лексема эмас. Фақат грамматик маънога эга. Демак сўз грамматик маънога эга бўлган лексемаларни ва ёрдамчи, ундов, модал номлари билан юритулувчи бирликларни ҳам ўз ичига олади.¹ Сўз маъноси ҳақида гап кетганда тилшунослар турли фикрлани илгари сурадилар. Жумладан, “**Ҳозирги ўзбек**

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2008 йил .

¹Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Т.: Фан. 2008.

адабий тили” дарслигида “Сўзнинг объектив борлиқдаги нарса белги ҳаракат кабилар ҳақидаги маълумоти лексик маъно дейилади. Бу маълумот сўзнинг маъноси бўлади”², дейилса, “Ўзбек тили лексикологиясида”: “Сўзнинг объектив борлиқдаги нарса, ҳодиса, ҳаракат, белги ва шу кабилар ҳақида маълумот берувчи мазмуни лексик маъно дейилади”³, - деб таъкидланади.

Профессор А. Ҳожиёв сўз маъноси ҳақида шундай дейди: “Сўзга хос лексик. Лексик грамматик ва грамматик маънолар сўз маъноси ҳисобланади”.

-Лексик маъно.

- Лексик-грамматик маъно.

-Грамматик маъно.⁴

Сема – (юнонча-сема белги) Лексик маъно семемани ташкил топтирувчи компонентлар, масалан **атроф** лексемасининг маъноси (семемаси) “ҳамма” ва “томон” семаларидан иборат. Маълум лексик семантик гуруҳга оид семемалардаги семалар шу семалар учун умумий ёки хусусий эканига кўра икки асосий турга бўлинади

1. Умумий сема.

2. Фарқловчи сема.

Профессор Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловлар “**Ҳар бир лексема муайян бирлаштирувчи сема асосида лексемалар ўзаро бирлашган бириккан гуруҳни ҳам ташкил этади**”. Чунончи **кўз, кулоқ, бурун, оғиз** лексемалари сезги аъзолари. Бирлаштирувчи семасига кўра **дарахт тол, мирзатерак, бақатерак, қайин, арча** ва ҳоказо. “**Дарахт**” умумий семасига кўра бир гуруҳга бирлашади Бундай гуруҳлар лексемаларнинг мазмуний гуруҳлари деб аталади”, - деб таъкидлайдилар. Демак инсон учун энг аввало, сўзнинг маъноси эътиборда. Тил ва унинг асосий бирлиги саналган сўз мулоқот жараёнида кенг кўламда ишлатилар экан, инсонлар биринчи галда унинг маъносига диққат қилишади. Шуниси қизиқки, муомала муносабатда сўзларнинг миқдори эмас, балки сифати муҳим ўрин тутди.

Шу маънода сўздан-лексемадан фойдаланишда турли ҳолатлар юзага чиқади: кўп маънолик, шаклдошлик, қарши маънодошлик каби.

Масалан: 1. **От** – (ҳайвон) унинг кўриниши ёшига қараб **той, тойчоқ бия, айғир** бўлиши мумкин Унинг тур муносабатига кўра **қора байир, саман, тулпор** ва ҳоказо турларга бўлинади.

²Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: 1980.

³ Ўзбек тили лексикологияси. Т.: Фан, 1981.

⁴ А.Ҳожиёв. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Т.:2002.

- От-(Ном) исм, насл насаб

- От (фёъл) –ирғитмоқ, ташламоқ каби.

Кўриниб турибдики “от” лексеманиг юзага чиқиш нутқ эксплуатацияси билан чамбарчас боғлиқ экан.

Айнан сўзнинг мана шу томонини, яъни маъносини ўрганадиган фанга **семасиология** дейилади. Тил лексик жиҳатдан муайян бутунлик саналиб, у ўз ичида маълум мазмун умумийлиги остида бирлашган мавзуй тўда қатор лексик семантик гуруҳларни бирлаштиради. Бир лексик қаторни ташкил этган лексемаларда ҳам муайян умумий белги бирлаштирувчи (интеграл) сема ва бу қаторлар таркибидаги лексемалар бир-бирдан ўзаро фарқлануви (дифференциал) семалар бўлади.

Лексема кўп семемали бўлса, ҳар бир лексеманиг нутқда воқеланишидаги куршови, ўзига хос эркин бўлганлиги учун лексема, нутқда матнда фақат битта семеманиг нутқий кўринишини юзага чиқара олади. “**Дона**” лексемасини олиб кўрайлик. Луғатда бу лексеманиг 6 маъноси қайд этилган. Мисоллари қуйидагилар: **1) Беш дона тухум, 2) анор донаси, 3) кум доналари, 4) материя алоҳида доналар- йиғиндисидан тузилади, 5) сатранж тахтасидаги дона, 6) чўт донаси.** Бу маъноларни осонликча иккита алоҳида куршовда юзага чиқарадиган семемаларга бирлаштириш мумкин. Кўрсатилган маънолардан биринчиси [санок сон+дона] қолипи орқали воқелашади. Бу қолипда (дона) алоҳида маънога эга. У [-та] қўшимчасига маънодош.

Масалан, Ўттиз дона тухум-ўттизта тухум.

Иккинчи қолип қуйидагич: мураккаб тузилишга эга бўлган нарса буюм номи +дона. Бу қолипда (дона) 2-6 маъноларини юзага чиқаради. У ўзи боғланиб келган сўзнинг маъносига аталмишига мос равишда унинг таркибий қисмларини ифодалаб келади. Шунинг учун (кум доналари) билан (сатранж доналари) каби сўз бирикмаларида (дона) турлича маъноларга эга бўлса ҳам, бу маънолар битта семеманиг (мураккаб тузилишига эга бўлган, муайян нарса буюмнинг) энг кичик таркибий қисми ёки турли нутқий кўринишидир. Демак “дона” лексемасида камида икки семемани ажратиш мумкин. 2-6 маъноларнинг номустақиллигини, уларнинг махсус матнда, боғлиқ куршовда юзага чиқишини қуйидаги тажриба ҳам осонгина исботлайди.

“Дона” сўзининг матндан ажратган ҳолда, алоҳида олсак бу ҳолда юқорида қайд этилган икки мазмунинигина эслаймиз, холос. Кўп семемали лексема ўзининг ҳар бир семемаси орқали турлича лексемалар билан ўхшашлик ва қўшничилик муносабатларига киришади. Масалан, “**тана**” лексемасини олайлик. Луғатда бу лексеманиг тўртта

беради. Мисоллари куйидагилар: **1) танаси йўғон одам, 2) танасининг жароҳати тузалар,**

3) танаси бошқа дард билмас, 4) йўғон қайрағочлар, таналари қулоқга сиғмайди. 1-3-мисолларда бир семемасининг (гавданинг бош билан сон оралиғи) турлича кўринишлари воқелашади. Чунки бу мисолларнинг барчасида (тана) лексемаси шох, илдиз барг лексемалари билан ўхшашлик муносабати. Бу эса “тана” лексемасидаги айни семеманинг алоҳида иккинчи семема эканлигидан далолат беради. Рухий тажриба ҳам буни тасдиқлайди. Яъни “тана” лексемасини эсга олсак, хотирамизда 1) инсон гавдаси ва

2) дарахт асоси гавдаланади. Ушбу икки семеманинг ўзаро боғлиқ, аммо алоҳида семемалар эканлигини бу семемаларнинг бир хил қуршовда воқелана олиши ҳам тасдиқлайди. Масалан, **“танасини кесди”** сўз бирикмасида ҳар иккала семема юзага чиқиши ва бошқа-бошқа маъноларни англатиши мумкин. Бир хил қуршовда воқеланиши, шу қуршовда қатъий мазмуни ва вазифасини сақлаши тил бирикмаларининг мустақиллигини исботловчи энг муҳим далил эканлигини таъкидланади. Бир семемали лексема ҳам нутқда кўп маъноли бўлиши мумкин. Масалан асосан, бир семемага эга бўлган **“тан”** лексемаси инсоннинг жисмоний моддий томонини ифодаловчи сифатида, унинг рухий томони, моҳияти (жон) лексемасига зиддир. Аммо нутқда у икки –тўрт маънога эга бўлиши мумкин. Луғатда шу маънолардан иккитаси қайд этилган. Мисоллари куйидагилар: **1) бунда қолар сенинг танинг; 2) соғ танда соғ ақл.** Айни вақтда (тан) лексемасининг яна бошқа нутқий маънолари ҳам бор. Масалан, **оиламиз кичик, тўрт тандан иборат эди.**

Шундай қилиб, тилда бир семемали ва кўп семемаларни фарқлаш лозим. Нутқда эса ушбу семемалар кўп маъноли сўзлар сифатида юзага чиқиш, воқеланиши мумкин. Чунки нутқда фақат лексема семемасининг кўринишлари берилади.

Айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳамма гап лексеманинг мағзи-мазаси саналган семемага-маъно бўлакчаларига бориб тақалар экан. Инсон ўз фаолияти давомида ҳар вақт сўзнинг тўғри (ўз) маъносидан фойдаланавермайди. Шундай нутқий вазиятлар ҳам бўладики, шароит тақозосига кўра назарда тутилган маъно ўрнида унинг зиди, акси қўлланилади. Масалан, ёғ гўшт, нон ёки бирор нарса олгани бозорга борилса, ўша нарса топилмаса, суҳбатдошининг “Топдингми?” “Бор эканми?” деган сўроғига аччиқ қилиб “Бор экан!... Тўлиб-тошиб ётибди” (аслида ҳеч нарса йўқ) деб жавоб берилади. Бундай вазиятда терс маъно келиб чиқади. Айнан мана шундай ҳолатларни ўрганиб тилшуносликнинг психолингвистик, менталингвистика, ареал тилшунослик каби

соҳаларидаги чигал масалаларга жавоб топиб бериши мумкин. Энантисемия ҳодисаси нутқий вазият билан бевосита боғлиқ экан, контекстан ташқарида кутилган маъно келиб чиқмайди. *Ниҳоят уч аёл бодом тагидаги яйдоқ жойга бориб ўтиришди. Ойим, Ҳожи буви, Хайри опа ойга тикилганча қотиб қолишган, ҳеч қайсиси чурқ этмас, чамаси ҳар бири ўзи излаган одамни ойдан топгиси келар, ойдан топишига умид қилар, ишонар эди. Ётиб-ётиб зерикдим. Бошимни кўтарай десам ойимдан кўрқаман. Энди кўзим илинаётган экан, ҳаяжонли ҳайқириқдан чўчиб кетдим.*

-Ана! Ана! Кўрдим!

Бошимни кўтардим у икки қўлини ой томонга чўзганча илтижо қилаётган Хайри опага кўзим тушди. -Ана! Асқар акам! Асқар акам! -Хайри опа нафаси қайтгандек ўрнидан турди. -Ана қаранглар, бошини боглаб олибди. Дока билан бошини боглаб олибди!

Бошини боглаб олган Асқар акани кўриш умидида жонҳолатда ойга қарадим. Йўқ, Оймомо ҳамон муаллақ қотиб турар, ним қора доғлардан бошқа нарса кўринмасди (Ў. Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”).


Юқоридаги мисолдан кўришимиз мумкинки, Хайри опага ойда аслида ҳеч ким кўринмаган. Лекин у шу нарсани кўришни истаган.

Ўзбек тили лексикаси юзлаб семантик майдонлардан иборат. Майдонлар лексик-семантик гуруҳлардан, гуруҳлар ўз навбатида таркибига кирган элементдан ташкил топган бўлади. Лексик қатламнинг бу хусусиятига унинг дискретлиги ҳам дейилади. Масалан, вақт (замон) семантик майдони ўз ичига аср, йил фасл микромайдонларини олади. Фасл ўз навбатида қиш, баҳор, ёз, куз супермикромайдонларига бўлиниб кетади. **Декабрь, январь, февраль, қор, совуқ, муз, сумалак, совқатмоқ, чилла, қахратон, печка, ўтин, кўмир, чана, сирғанмоқ, янги йил, арча, қорбобо, қорқиз, қўлқоп** каби семалар умумий ягона чизиқ остида – **қиш** микромайдонига тўпланади ва бир-бирлари билан ассоциатив боғланиши ҳосил қилади. Айнан мана шу хусусиятига кўра мазкур сўзлар белги саналади. Белгининг биринчи хоссаси унинг инсон томонидан идрок қилиниши бўлса, иккинчи хусусияти ўзи ва бошқа объект ҳақида маълумот беришидир. Қиш микромайдони ҳақидаги барча эмалар мазкур фасл ҳақида маълумот, ахборот ташиди. Профессор

А. Нўмонов бундай муносабатларда мотиваци бўлишини таъкидлайди. Яъни қорни кўришимиз билан қиш ҳақида тасаввурга эга бўламиз Худди шундай ҳолатни баҳор микромайдони остига тўпланган **наврўз, ҳамал, гул, куртак, бойчечак, бинафша, очилмоқ, экин, унмоқ, уруғ, майса, сумалак, кўк сомса, кўк чучвара** каби сўзлар

ўртасидаги муносабатларда ҳам кузатиш мумкин. Ёз, куз, микромадонлари ҳам худди шундай хоссага эга. Бир фаслга оид бўлган лексик бирикмаларни иккинчи фаслга нисбатан қўллаб кўрадиган бўлсак, мантиқий чалкашлик келиб чиқади. Система муносабатлари бузилади. Масалан, солоштириш учун қуйидаги гапда ишлатилган наврўз сўзига диққат қилиб кўришимиз мумкин, кишда наврўз байрамини кутиб олдик. Бундай бўлиши мумкин эмас¹.

Лекин тил шуниси билан қизиқки, баъзи ўринларда сўзнинг азалий авлоддан авлодга ўтиб келаётган маъносига қарама-қарши ҳамда терс маъно келиб чиқади. Вазият сўзловчи ва тингловчидан айнан шу маънони талаб қилади. Масалан, “қиш”га нисбатан иссиқ сўзини қўллаб бўлмайди. Аммо шундай вазиятлар бўладики “иссиқ қиш” кўринишида лексик бирлик қўлланилиши мумкин. Масалан, **бу йил қиш жуда иссиқ келди**. Бу мисолда иссиқ ўз маъносида эмас. Яъни сўзловчи қиш совуқ келди демоқчи. Бунда сўз тескари маънода қўлланмоқда. Бундай мисоллар оғзаки нутқда кўплаб учрайди. Икки субъект ўртасидаги коммуникация яъни алоқада сўзнинг маъноси муҳим ва аҳамиятлидир.



Семасиология – юнонча *semona* – ифодалаш, *logos* – тушунча, таълимот. Тил бирикмаларининг биринчи навбатда луғавий бирликларнинг семантик тузилиши ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи соҳа. У семантика, сема атамалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тил бирликларининг мазмун томонини ўрганувчи соҳа².

Маъно лингвистиканинг ўрганиш объекти, тушунча эса мантиқнинг ўрганиш объекти саналади, маъно лингвистик белги тузилишига кирса, тушунча ҳукм узвидир. Тушунчалар объектив борликдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образини акс эттирибгина қолмасдан, балки борликда мавжуд бўлмаган инсоннинг тафаккур олами томонидан ҳосил қилинган нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образини ҳам акс эттириши мумкин. Сўз орқали инсон катта ютуқни қўлга киритди бу восита натижасида унинг олами иккиланди сўзга эга бўлгунга қадар фақат бевосита кўриниб турган нарса билан иш кўрган мавжудот тилга эга бўлиши билан фақат борлиқ элементлари билангина

¹ Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида талқин этиш. Т.: Маънавият. 2004.

² А.Ҳожиев. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Т.:2002.

эмас, балки бевосита кузатмаган нарса ва ҳодисалар билан ҳам иш кўра оладиган бўлди. Сўз инсонга бевосита кузатишда берилмаган нарса ва ҳодисалар ҳақида ҳам ахборот бера олади. Шунинг учун ҳам ҳайвонот фақат бир оламга сезги орқали ҳис қилиш мумкин бўлмаган предметлар оламига эга бўлса, инсон икки оламга – сезги орқали ҳис қиладиган олам билан бирга, сўз орқали ифодаланадиган образлар, муносабатлар, сифатлар дунёсига эга бўлди¹.

Шунга мувофиқ сўзларнинг борлиқ маъноси реал ва афсонавий тушунчалар бўлиши мумкин. Қандай тушунчани ифодалашига мувофиқ, сўзлар ҳам борлиқдаги инсон онгидан ташқарида бўлган нарса ва ҳодисаларни номловчи сўзлар ҳамда инсон томонидан яратилган афсонавий нарса ва ҳодисаларнинг номларини ифодаловчи сўзлар ҳамда инсон томонидан яратилган сифатида ажратилади. **“Ўзбек тили лексикологияси”** китобида айрим сўзлар билдирадиган нарса – ҳодисалар объектив ҳолда бўлмаслиги мумкин. Лекин бу нарса ҳодисалар бор деб тушунилгани учун уларни ифодаловчи сўзлар юзага келган дейилади. Бизнинг онгимиздан ташқарида моддий борлиқдаги предметларни ифодаловчи сўзларни афсонавий сўзларни ифодаловчи абстракт сўзлардан фарқлаш лозим. Лексемалар орқали ифодаланган аниқ предметлар инсондан ташқарида мавжуд бўлмайди. Борлиқдаги нарса ва ҳодисалар умумлашган образларнинг онгда акс этиши тушунча ҳисобланар экан бу тушунчалар объектив борлиқни номлаш жараёнининг иккинчи босқичини ташкил этади. Бу тушунчалар муайян моддий қобикқа акустик хоссаларга эга бўлиб, юзага чиқади, яъни тил бирлиги орқали ўз ифодасини топади. Борлиқни акси бўлган тушунчалар турли хил моддий воситалар ёрдамида ифодаланиш нуқтаи назаридан тиллар бир-биридан фарқланади. Ҳатто бир тилнинг ўзида ҳам муайян тушунча бир қанча моддий воситаларга эга бўлиши мумкин ва аксинча, бир неча тушунча моддийлашишга кўра бир-бирига ўхшаб қолиши мумкин.

Шундай қилиб, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумлашган образи турли хил моддий қобиклар ёрдамида ўз ифодасини топади. Объектив олам элементлари билан унинг умумлашган образлари ўртасида қандай чамбарчас муносабат бўлса, умумлашган образлар билан унинг моддий қобикқа эга бўлиш ўртасида ҳам шундай барқарор муносабат мавжуддир. Биринчи муносабатни акс этиш жараёни, дейилади. Бундан кўринадики, ҳар қандай маъноли бирликларнинг моддий томони объектив оламни акс

¹ Ўзбек тили лексикологияси. Т.: Фан, 1981.

этириш жараёни орқали номлайди. Демак, тил борлиқни бевосита эмас, балки билвосита ифодалайди.

Шундай қилиб, акс эттириш жараёнида ҳам, ифода жараёнида ҳам акс этувчи билан аксланма ҳамда ифодаловчи билан ифодаланиш ўртасида зиддиятли, динамик, шу билан бирга, барқарор ифодаланиш ўртасидаги ана шундай барқарорлик муайян тил эгалари ўртасида коммуникация жараёнида бир бирини осон тушунишларига имконият яратади ва ана шу барқарорлик тилнинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлайди.

Объектив олам элементларининг умумлашган образи айрим адабиётларда семантик-предмет, реалема атамалари билан ҳам юритилади. Семантик предмет муайян лингвистик белги орқали ифодаланган борлиқдаги реал предметларнинг белгилар мажмуасидир. Бу белгилар борлиқдаги реал предметларни маълум синфларга бирлаштириши, шу билан бирга, муайян синфга бирлашган предметларни ўзаро фарқлаш усун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бу белгилар муайян лексеманинг семантик тузилишида семантик иштирокчилар вазифасини бажаради. Шу маънода тил борлиқнинг умумлашган шакли дейиш мумкин.

Тил аниқ вазиятни тил бирликлари орқали умумлаштирган ҳолда ифодалайди. Тил бирликларининг умумлашган маънога эга бўлиши унинг энг муҳим хусусиятидир. Ана шу умумлаштирувчилик хусусияти воситасида тил белгиси турли шахслар томонидан турли вақтда ва турли шароитда хилма-хил предметларга нисбатан қўлланила олади. Агар предметларнинг ҳар қайсиси учун алоҳида-алоҳида номлар қўлланганда эди, тил алоқа воситаси вазифасини бажаришга яроқсиз бўлиб қоларди. Инсон нутқий фаолият орқали фақат объектив борлиқ ҳақида ахборот берибгина қолмайди, шу билан биргаликда, объектив оламни ички нутқ орқали муайян элементларга ҳам ажратади. Бу ҳақда **Н.И. Жинкин** шундай фикр билдиради: **“Борлиқ ҳақидаги фикрий мазмун бевосита предмет коди-нутқий белги воситасида қайта шаклланади. Бундай фикрни белгига айлантириш ички нутқда амалга ошади. Ички нутқсиз эса ташқи нутқнинг бўлиши мумкин эмас. Агар менга ана, ит югуриб келяпти”- деб айтсалар, мен бу гапнинг қандай сўзлар (олмош, от, феъл) дан ташкил топганлиги ҳақида мутлақо ўйламайман. Балки ит ҳақида, нима қилишим зарурлиги ҳақида ўйлаб, дарров атрофга қарайман”**.

Бундан товуш сигналлари орқали, бошқача айтганда, белгилар орқали инсон объектив оламга боришини ва, аксинча, объектив оламдан семантик предметлар орқали белгилаштириш жараёни мавжуд эканлиги кўринади. Белги орқали объектив олам ҳақида ахборот олишимиз, яъни муайян шакл борлиқда нимани ифодалайди, деган саволга жавоб

бериш тилшуносликда бир йўналишни, аксинча борликдаги нарса ва ходисалар семантик предметлар орқали қандай номланади, деган саволга жавоб бериш иккинчи йўналишини ташкил этади. Биринчиси семасиологик план, иккинчиси эса ономасиологик план деб юритилади. Ономасиологик планда йўналиш маънодан, семантик предметлардан шаклга қараб боради. Ички нутқ орқали инсон объектив оламни муайян предметларга ажратар экан, унинг мана шу хусусиятига алоҳида эътиборни қаратган айрим олимлар тилнинг тузилишини, шу тил эгаси бўлган жамиятнинг онг даражасини кўрсатади, деб ўйлайдилар. Кўпчилик тилшунослар муайян моддий воситалар ёрдамида ифодаланган объектив олам элементлари экстралингвистик омил сифатида лингвистик белгидан ташқарида қолади. Лекин ҳар қандай тил муайян белгилар системасидан иборат экан, бу белгилар орқали ҳар қандай лексеманинг семантик тузилиши уч элементни ташкил этади:

- 1) Объектив олам элементлари.
- 2) Унинг онгдош акси.
- 3) Моддий воситалар билан ифодаланиши.

Буларнинг қайсилари лексик маъно таркибига киради? Бу саволга ҳам мавжуд лингвистик адабиётларда турлича жавоб берилади. Лексема белги нуқтаи назаридан қаралганда, объектив олам элементи белгидан ташқарида қолади. Демак, муайян товуш сигналлари орқали ифодаланган объектив борлик элементнинг онгдаги акси лексик маъно таркибига киради. Шундай қилиб, лексема шакл ва мазмун томонларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган ва бу муносабат тил эгалари хотирасида локаллашган системадир. Лексеманинг шаклий томони учун семема атамаси қўлланилади. Ҳар бир лексемамуайян мазмуний мазмунирй мундарижага эга. Ленксеманинг мазмуний мундарижаси дегнада, семеманинг семик таркиби тушунилади. Лексеманинг мазмуний мундарижага эканлиги унинг семемасининг ички бўлинувчанлик хусусиятидан далолат беради. Демак, семема ҳам навбатида муайян элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган нисбий бутунлик, яъни система саналади.

Масалан, ораз лексемаси инсон бошининг қулоқлар ва билан илдк орасидаги қисми “ижобий баҳо”, “бадий услубга хослик” семаларига эга. Ораз лексемаси семемасининг семик тузилиши шу лексема мансуб бўлган парадигманинг бошқа аъзолари семик тузилишга қиёсланганда маълум бўлади. Мазкур лексема борликда нимани ифодалаши нуқтаи назаридан юз, бет, афт, башара, турқ сингари лексемалар билан бир парадигмани ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси борликдаги бир нарсанинг турли номлари саналади. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири ўзаро маълум фарқли белгиларига эга. Уларни бир парадигмага бирлаштириб турган семани бирлаштирувчи (интеграл), фарқлаб турган

семани эса фарқловчи (дифференциал) сема деб юритилади. Шундай қилиб, лексема семемаси таркибидаги семалар парадигма ҳосил қилиш ёки ҳосил қилмаслик белгисига кўра бирлаштирувчи ва фарқловчи семалардан ташкил топади. Бирлаштирувчи сема лексемаларни бир парадигмага олиб киради, фарқловчи семалар эса парадигма аъзоларни бир-биридан фарқлайди. Шунингдек, семема таркибидаги семалар вазифасига кўра аташ, ифода, синтагматик, услубий, прагматик сингари семаларга бўлинади. Семема таркибидаги борлиқдаги нарса-ҳодисалар, белги-хусусиятлар, ҳаракат-ҳолатларни атовчи сема аташ семаси ҳисобланади. Ҳар бир лексема семемасининг марказий семаси аташ семаси саналади, қолган семалар унинг устига қўйилади. Жумладан, ораз лексемасининг юқорида кўрсатилган биринчи семаси аташсеммаси ҳисобланади. Турқ, афт, башара лексемалари семемаларига зидланганда, бу уч лексема семемаси салбий баҳонинг мавжудлиги,, ораз лексемасининг семемаси эса ижобий баҳонинг мавжудлиги билан фарқланади. Бу семалар баҳо семаси ҳисобланиб, ифода семаси ҳисобланади ва аташ семасининг устига қўйилади. Шу билан бирга, бир парадигмага мансуб юз, бет лексемалари билан ораз, узор лексемалари зидланганда, аъзоларнинг биринчи гуруҳи (юз, бет) услубий бетарафлик, (бадий услубга мансублик) белгиси билан фарқланади. Ораз, узор, чеҳра лексемалари фақат инсон организмнинг қисмига нисбатан қўлланилади. Уларнинг одам лексемаси семемаси билан баҳоланиб туриш, яъни “шаҳсга мансублик” семаси бу лексемалар семемалари таркибидаги сигнификатив сема ҳисобланади.

Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловлар: **“Ҳар бир лексема муайян бирлаштирувчи сема асосида бошқа лексемалар ўзаро бирлашган, бириккан гуруҳни ҳам ташкил этади. Чунончи кўз, қулоқ бурун, оғиз лексемалари “сезги аъзолари” бирлаштирувчи семасига кўра бир гуруҳга бирлашади. Бундай гуруҳлар лексемаларнинг мазмуний гуруҳлари (лексик семантик гуруҳлар) деб аталади”**- деб таъкидлайдилар¹. Маълум бир белги асосида бир лексик семантик гуруҳга бирлашган ҳар қайси гуруҳ аъзосида мазкур гуруҳга бирлашиш учун асос бўлган сема такрорланиши зарур. Ўз навбатида, тил системаси таркибидаги лексик -семантик гуруҳлар яъна маълум лексик-семантик қаторлардан иборат бўлади. Бир лексик қаторни ташкил этган лексемаларда ҳам муайян умумий белги-бирлаштирувчи (интеграл) сема бўлиши ва бу қаторлар таркибидаги лексемалар бир-биридан ўзаро фарқланувчи (дифференциал) семалар билан ажратилиши зарур.

Энантисемия қуйидаги турларга бўлинади:

¹ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Т.: Ўқитувчи. 1995.

I. Замонга муносабатига кўра:

1. Синхрон.

2. Диахрон.

II. Қўлланиш доирасига кўра:

1. Узуал.

2. Окказионал.

Синхрон энантиосемия –тилнинг ривожланиш даврининг бир вақт ичида ҳар хил вариантлари келиб чиқишига айтилади.

Шуни айтиш учун керакки, диахрон энантиосемия адабий тилда кўпроқ учрайди.

Диахрон энантиосемия - бу шундай энантиосемик сўзки, бир маъноси ҳозирги вақтда тилда қўлланилса, иккинчи маъноси эса эскирган бўлиши мумкин. Масадан: рус тилидаги “честить” –феъли.²

Ҳозирги маъноси ғурурини ерга урмоқ, ҳурматсизлик қилмоқ.

Эскирган маъноси-ҳурмат қилмоқ.

Кўриниб турибдики, бу сўзда энантиосемик ҳолат мавжуд. Йиллар ўтиши билан сўз маъноси қарама-қарши томонга ўзгарган. Энантиосемия қўлланилиш доирасига кўра 2 турга бўлинади: **1. Узуал. 2. Окказионал.**

Узуал маъно –**лотинча usus**– одат, қоида. Сўзга луғавий сифатида бор, умум томонидан қабул этилган, умум қўлланишдаги маъно. Масалан: бош сўзнинг “тананинг бўйидан юқори қисми” “бошлиқ”, “раҳбар” маънолари; катта сўзининг хажм ўлчами нисбатан ортиқ, улкан “ёш жиҳатдан ортиқ” маънолари узуал маънолардир. Окказионал маъно – лотинча occasionalis –тасодифий маъносини билдиради. Сўзнинг маъно тузилишида шаклланиб етмаган маълум индивидуал қўлланишда юзага чиқадиган маъно: **Фан, санъатнинг гуллари бутун, тўпланганда суҳбати учун** (Ойбек). **Кун ҳалиям бўлсада, ҳар ҳолда шабада йўргаларди** (М. Мусаев)

Энантиосемия ва кўчма маъно хосил қилиш йўлларида бири бўлиб, у зидлик мазмунини ифодаловчи воситалар сирасига киради. Маълумки, ўзбек тили зидлик маъносини ифода этувчи воситаларга ниҳоятда бой бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1. Антонимия воситалар

2. Инко ифодалаш воситалари.

² Основные типы энантиосемии в современном русском языке. Дис. кан.фил.наук. Казань. 2009.

Антонимлар ва инкор ифодалаш воситалари нутқда ҳеч қандай экспрессив – стилистик бўёқсиз қўлланилаверади. Бу воситалар контекста ташқарида ҳам зидлик маъносини англантиб тураверади. Шунинг учун ҳам улар тил ҳодисалари ҳисобланади. Энантиосемия, эса тил ҳодисаси эмас, балки нутқий жараёнда реаллашувчи услубий восита ҳисобланади.

Энантиосемия ўз хусусияти билан зидлик ифодаловчи бошқа воситалардан кескин фарқланиб туради. Ўзбек тилида зидликнинг ифодаловчи ўхшаш ҳодисалар кўп. Буни тадқиқитчиларнинг кўпчилиги қайд этиб ўтган. Киноя ва энантиосемия ҳодисалари ҳам вазифаси нуктаи назаридан бир бирига ўхшаш, яхши қайсидир муҳим белгиси билан бири-бирдан ажралиб турувчи ҳодисалардир. Бизнинг вазифамиз ана шундай ўхшаш ҳодисаларни фарқлай олишдан ҳам иборатдир. Бунинг учун ўхшаш ҳодисаларни тўғри ажрата билиш лозим бўлади. Киноя грамматик маънони юзага чиқарувчи ҳодисалардан биридир. Киноя грекча “igoneia” сўздан олинган бўлиб “билиб билмаганга олиш” ва “нозик масқараомуз кулги” деган маънони англатади. Киноя кенг маънода инкор этишнинг ўзига хос маҳсус усулларидадир. Инсон ўз фикрини ўта таъсирчанлик билан тингловчига етказишда киноядан фойдаланади. Кинояда ҳамма вақт айтилмаётган фикрнинг акс маъноси назарда тутилиб шу йўл билан нутқнинг экспрессивлиги оширилади ва нимадир инкор қилинади. Масалан:

.... Зайнабга қолса, эҳтимолки, Кумуш ўзидан ҳам ёш чиқар эди. - Мен қайқдан билай.

-Йигирмага кирдим.

-Мендан бир ёш катта экансиз.

-Сиздан албатта, каттаман! –деди Кумуш.

Юқоридаги нутқ парчасидан кўринадики, қахрамонимиз **“сиздан албатта, каттаман”** дейиши билан, эрининг бош хотини эканлигини таъкидламоқчи бўлади ва кундошига нисбатан менсимаслик назари билан қараш маъносини ифода этади.

Энантиосемия грекча “enantio” – қарама қарши “сема”- белги маъносини англантиб, тилшуносликда бир сўзнинг семантик структурасида зид маънонинг юзага келишини билдиради. Масалан: “кўр” сўзи дастлаб феъл туркумига хос бўлган “кўрмоқ” феълнинг ўзаги ҳисобланиб, ҳозирги ўзбек тилида “кўзи ожиз” (кўрмас) маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. Ҳозирги кунда бу сўзнинг дастлабки маъноси инкор этилиб, бутунлай янги маъно –тескари маънода қўлланади. Сўзларнинг бундай терс маъно ифода этиши эса энантиосемия ҳодисаси деб юритилади. Қуйидаги мисолни олиб кўрайлик:

Лолахон пахтани –ёмон териб қўяди-да.

Оғзаки нутққа хос бўлган бу гапда қўлланган **“ёмон”** сўзининг контекстан ташқаридаги маъноси салбий бўлиб бу ерда ижобий маънодаги яхши, зўр сўзлари ўрнида қўлланган. Мисолда кўриниб турибдики, энантиосемия нутқий ҳодиса ҳам бўлиши мумкин экан. Шу жиҳатдан олганда, у кинояга ўхшаб кетади, Экспрессив –стилистик вазифа бажаради, яъни нутқий ҳодиса сифатида шаклланган бўлади.

Киноя ҳам, энантиосемия ҳам нутқий ҳодиса бўлиб, лексик бирлик терс маънода қўлланилади ва учуруқ- пичинг орқали ифода этилади. Масалан: **Қаландаров шишани эшоннинг қўлидан олиб, қиррали стаканга коньяк тўлдирди-да узатиб:**

-Ма “волиданг” келгунча ютиб ол, кейин биз билан майда келасан! –деди.

-Унақа деманг!- деди Хуринисо эрига хўмрайиб, кейин Саидага изоҳ берди: Кифоятхон бу кишидан уч-тўрт ёш каттароқ...

Маълумки, **“волида”** сўзи адабий тилда – **она** сўзининг синоними сифатида қўлланилади. Юқоридаги нутқ парчасида эса бу сўз тескари маънода пичинг келиш йўли билан **“хотин” – рафика** маъносида қўлланган. Бу маъно фақат мазкур нутқ жараёнидагина реаллаша олади. Мазкур нутқий вазиятда Қаландаров эшонга “хотинининг ундан катта эканлиги”ни писанда қиляпти.

Кўриниб турибдики, бу парчада **“волида”** сўзи ироник маънода қўлланган. Бу ерда сўз номинатив маъносининг зид берилиши, яъни инкор этилиши кузатилади. Бундай вақтда, албатта, салбий-субъектив муносабат ифодаланган бўлади. Сўзнинг бош номинатив маъноси эса ҳамма вақт ҳам экспрессив-стилистик бўёққа эга бўлавермайди. Бу ҳолат киноя ва энантиосемия ҳодисаларнинг айнан бир хил ҳодиса эмаслигини, фақат ўхшаш ҳодиса бўлиш мумкинлигини кўрсатиб туради. Энантиосемия бирор бир тил воситасининг тўғри маъносидаги ўзаро қарама-қаршилигига асосланади, киноя эса бир восита орқали маълум тил воситасининг тўғри маъносидаги ўзаро қарама-қаршилигига асосланади, киноя эса бир восита орқали маълум номинатив, маънонинг киноя орқали инкор этилиши, кўчма маънода берилишидир.

-Марғилонда нима ишлар қилдинг?

-Сизга хабар берувчи нима ишлар қилганимни ҳам айтгандир.

-Жўн одамлар қаторида одам ўлдириб юрдим дегин?

Отабекнинг юзида қулимсираш билинди.

-Жўн одамлар қаторида эмас, -деди, -мажбурлар қаторида! зўрланганлар қаторида!

Хожиги ўглининг киноясига тушунмади:

-Одам ўлдириш учун сени ким зўрлаб мажбур қилди?

-Мени зўрлаганг ва мажбур қилган эдилар, дада,- деди захарханда билан,-йўқса, сизнинг ўғлингиз бўлган бир йигитнинг шанига, албатта, одам ўлдириш уят ва номусдир. (А. Қодирий)

Энантиосемия, услуб билан алоқадор бўлган нутқий ҳодисалар сирасига мансуб бўлган стилистик имкониятдир. Энантиосемия соф нутқий ҳодиса бўлиб стилистик восита ҳисобланади, У тушунгани тингловчига маълум нутқий вазият, кесатик, оҳанг орқали етказиб беради. Ироник мазмун ифодаловчи ҳар қандай нутқ бирлигининг мазмун мундарижаси фақат салбий –субъектив муносабатдан иборат бўлади. Демак, энантиосемияда сўз номинатив маъносининг зид маъноси орқали субъектив –салбий муносабат экс этади. Бундай муносабатнинг юзага чиқишида нутқий вазият ва интонация қилувчи роль ўйнайди. Энантиосемияда лексеманинг семантик структурасида зид маъно шаклланиши ҳолда, лексик birlik тескари маънода қўлланилади.

1.2. ЭНАНТИОСЕМИЯ ВА АНТОНИМИЯ

Қарама-қаршилик борлиқдаги асосий меъзонлардан ҳисобланади. Оламни англашда қарама-қаршилик категориясининг ўрни беқиёс. Фалсафий нуқтаи назардан ҳар қандай ҳодисанинг ўрганилиши эртаги кечми уларнинг қарама-қарши томонга муурожаат қилинишига олиб келади. Масалан Б. Спиноза “Этика” асарида ҳис туйғуларнинг табиатини очишда қаршилантериш орқали тушунтиради. Файласуф ҳодисаларга контраст асосида ёндашаётганини қуйидаги фикри орқали тушунтиради: “Аниқлаш бу қарши қўйиш демакдир”.

Қарама-қаршилик категориясининг белгиланишдаги яна бир муҳим жиҳати унинг психоллингвистик аспектидир. Психологлар ҳар қандай тушунчанинг шаклланиши, турли нарса ҳодисаларнинг хусусиятларини фарқлаш ва уларни бир-бири билан қиёслаш, умумий жиҳатларини аниқлаш тафаккуримиздаги тасаввурлар асосида амалга ошади деган фикрни илгари сурдилар. Онгимиздаги кенг, енгил, кичик белгилари ҳақидаги тасаввурларимиз тор, оғир, катта белгиларини аниқлашимизни таъминлайди. Инсон тафаккуридаги бу каби қаршилантериш муносабатлари мазмуний мосликни чегаралайди ва йуналтиради. Г.П Мельников онгдаги қаршилантериш тил воситалари асосида реаллашишини, яъни антонимик тил birlikлари бу ҳолатда асосий роль ўйнашини таъкидлайди.

Қарама-қаршилик ҳодисаси тилшуносликда асосан антонимия номи остида талқин қилинади. Унинг лисоний табиати икки планда: парадигматик ва синтагматик планда белгиланади. Парадигматик планда антонимларнинг энг муҳим белгиси уларнинг семантик қарама-қаршилик ифодалаши ҳисобланади. Бу жиҳат доимо антонимлар белгиланишдаги асосий омил вазифасини бажариб келган. Антонимия ҳодисаси юзасидан эришилган барча ютуқларга қарамсдан, мазкур ҳодиса жуда кўп мунозарали, очилмаган қирраларга эга. Масалан, тилшунослар ўртасида жинс билдирувчи антоним ёки антоним эмаслиги юзасидан мунозарали фикрлар мавжуд. Баъзи манбаларда эркак аёл типидagi коррелятив жуфтликларнинг антонимлик муносабат ифодалай олмаслиги таъкидланса, бошқаришда эса бундай жуфтликлар антонимлар қаторига киритилади. Жумладан, С. Усмонов эр-хотин, опа-сингил, ўғил-киз типидagi жуфтликларни “ярим антонимлар” ҳисоблайди демакки, барибир антонимлар қаторига қўшади. Баъзи адабиётларда ўқиган ўқимаган, келган келмаган, борган бормаган каби ҳолатлар бир сўзнинг турли шакллари бўлгани ҳолда антонимлар қаторига кирмаслиги таъкидланса, бошқа тилшунослар бунга тамоман қарама-қарши тарзда **“феълларнинг бўлишли формаси билан бўлишсиз формаси антонимнинг алоҳида бир типини ташкил қилади”**, деган фикрни ҳам айтганлар. Р. Шунуров **“... баъзи сифатдошларнинг бўлишли ва бўлишсиз формалари ҳаракатнина эмас, балки ҳаракат орқали предмет белгисини билдирганда, уларда антонимлик хусусияти пайдо бўлиши мумкин”** дейди. Қарама-қаршиликнинг тилдаги ифодаси “антонимия” номи билан талқин қилиб келинмоқда. Аммо антонимияни белгилашдаги ўлчовлар, хусусан, туркум асосидаги чеклов қарама-қаршилик моҳиятини етарлича қамраб олиш имкониятини бермайди. Зеро, сўзларнинг туркумланишга асос булувчи категориал сема сўз мазмуний структурасидаги нисбатан энг умумий характерли компонентдир. Улар на қарама-қаршилик муносабатини юзага келтиради, на унинг мавжудлигини инкор эта олади. Шунга кўра, қарама-қаршилик категориясини туркум доирасидан ташқари тадқиқ қилиш зарурий ҳолатдир.

“Энантисемиа” ҳодисаси ҳозирги ўзбек тилида кўп ҳолатларда учрайди. Бир қанча тил поғоналари билан ифодаланади. Ўзининг семантик структурасида бир қанча қарама-қаршиликларни ўз ичига олади. Энантисемианинг ҳозирги кундаги энг қийин саволларидан бири бу унинг келиб чиқишидир. Бу ҳам лингвистика тарихи билан боғлиқ ва ҳар бир сўзга индивидуал ёндашишни талаб этади. Энантисемиа лингвистик ва экстралингвистик бўлиши мумкин. Ҳозирги ўзбек тилидаги энантисемиани ўрганишга сабаблардан бири сўзловчининг ўз нутқига экспрессив беришидан келиб чиқади. Бу ҳолларда ижобий ёки салбий маънога эга семалардан ташкил топган лексемалар

Ўзгариши, сўзловчининг иштиёқига боғлиқ бўлади. Энантисемиа келиб чиқиш сабабларидан яна бири ўзбек тилидаги аффиксларни семантик диффузияси ва полисемиа бўлиши мумкин. Экстралингвистик сабаблардан бири эса сўзларнинг хато ишлатилиши натижасида сўзларнинг маъноси қарама-қарши томонга ўзгариши ҳисобланади. Энантисемианинг самарадорлиги ҳақидаги савол ҳозирги дунё тилшунослигида бир ечимга олиб келмади. Энантисемиа ҳозирги кунда дунё тилшунослигида энг самрали ривожланаётган ҳодисалардан биридир. Тилда лексик ва фразеологик энантисемиа учрайди. Умуман олганда, лексик ва фразеологик энантисемианинг структураси бир хил. Фразеологик энантисемиа лексик энантисемиадан кўра мураккаброқ ҳодисани ифодалайди. Бу фразеологик оборотларнинг структура ва семантик белгилари сўзлардан кўра фарқланиши билан боғлиқ. Семантикадаги фразеологик бирликларнинг ҳиссий баҳолаш ва прагматик аспектлар энантисемиага фразеологик поғонада қўшимча хусусиятларни олиб киради.

Бошига кўтармоқ – 1) жуда ҳурмат қилмоқ – иззат қилмоқ. Ҳурматини бажо келтирмоқ.

1. Шарфларга буркаб ота номини, бошига кўтарди онажонисини (Б.Бойқобилов. Садоқат).

2. Қани энди бошка оталардек бўлса, бошимга кўтармасмидим (С.Аҳмад Уфқ).

2) Ҳаммаёқни бузгудек шовқин солмоқ, жанжал қилмоқ.

1. ...товоқнинг жиндай жойи учган экан, қайнонам шуни кўриб қолди-ю, бутун ҳовлини бошига кўтарди (“Муштум”).

2. Шунча эркакнинг орасида уялмайсанми, ҳовлини бошингга кўтариб бақиргани, шарманда!!! (К.Яшин. Ҳамза).

3) Шодликдан, хурсандчиликдан бақирмоқ, шовқин солмоқ.

1. Тўйиб-тўйиб шўхлик, бебошлик, “жиннилик” қилсанг водийни бошинга кўтариб қаҳқаҳа урсанг (Ф.Мусаҷонов. “Ҳиммат”).

Даҳшат-ҳайронлик, ҳайратда қолиш.

1. Ниҳоят даражедаги қўрқинч, хавф, ваҳима. Тун даҳшати. Уруш даҳшати. Даҳшатдан юрагим орқага тортиб кетди. (Н.Фозилов. Дийдор). *Ёдгор даҳшатдан қотиб қолган, ҳеч нимага тушунолмасди.* (Ў.Ҳошимов. Қалбингга қулоқ сол.) *Кўзлари даҳшат билан чақнади.* (С.Сиёев. Ёруғлик.)

2. Азоб-изтиробга солувчи мудҳиш аҳвол, воқеа-ҳодиса, манзара. Даҳшат! – деди меҳмон, - тун билан кўзимни юммай чиқдим (“Муштум”). *Андижонда бўлган*

воқеалар даҳшати Тоҳир қиёфасига кириб, Бобурга тобора яқинлашиб келмоқда эди. (П.Қодиров, Юлдузли тунлар).

3. Ортиқ даражада кўрққан, ваҳимага ёки азоб-изтиробга тушган кишининг кўриниши, руҳий ҳолати.

Даҳшат солмоқ. Даҳшатга келмоқ. Муқаддам даҳшат ичида эшикка ёпишиди (Ў.Ҳошимов. Қалбингга кулоқ сол). *Нигоранинг ҳамон кўрқинч, даҳшат тўла кўзларида миннатдорчилик учқуни йилтиради* (С.Анорбоев. Оқсой). *Отабек масалага тушунгандек бўлди ва даҳшат ичида Али билан йўлга тушиди* [1.583]

4. Даҳшат- (кўпр.оғзаки нутққа хос) Уларнинг уйи даҳшат экан. (зўр маъносида) Кеча даҳшат воқеа бўлди (ажойиб маъносида).

Бало-синов: офат, мусибат, бахтсизлик.

1. Бирор воқеа-ҳодиса, ҳаракат туфайли юзага келган офат, фалокат; ташвиш. *Тақдирнинг балоси кўп, сақланса танаси кўп* (Мақол).- *Ёмон тил бошга бало келтирар, яхши тил давлат, дунё келтирар* (Мақол). *Садақа балони ер, тавба – гуноҳни* (Мақол). *От бошига бало бўлди* (Ғайратий). *Илоё омин, – кампир ҳам фотиҳа ўқиди, -қадам етди, бало етмасин* (Х.Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлақати).

Бало борми? Ўринсиз иш, ҳаракат, ёқимсиз нарса ёки кимсага дуч келганда, ёқтирмаслик норозилик, (нима бор? Нима қилиб юрибди?) маъносини ифодалайди. *Салтанатни қаерда кўрмай, сатанг бўй ясаниб олган бўлади. Икки чеккасидаги сажакка бало борми?* (“Ёшлик”). *Пахта терими кетаётган долзарб пайт карантинга бало борми?* (“Ёшлик”). *Шу аёзда чарм кастюмга бало борми?* (А.Обиджон. Аканг қарағай. Гулмат). **Балога қолмоқ. Ёмонликка дучор бўлмоқ, даъвосига қолмоқ. Билмасдан гапирма балога қоласан, қизим!** (Ҳамза. Балойи азим). *Улкан офат, мислсиз кулфат. Манокультура деб аталиши бу яккаҳокимлик бора-бора шундай бир балойи азимга айландики,..*(“ЎЗМЭ”). **Балойи нафс ёки нафс балоси. Очкўзлик нафси бузуклик орқасида бошга тушган кулфат. Бало урмаслик. Ҳеч қандай шикаст етмаслик, эсон-омон қутулиб кетиш. Бало ўқи. Ўлим маъносини ифодалайди. Бало ўқига нишон бўлмасдан бурун бу гапларни охирига етказишга ҳаракат қилар эди.** (М.Осим. “Карвон йўлларида”). *Бир бало номаълум, сирли, билиб бўлмас, салбий нарса ёки ҳодиса. Олдин бу кампирга бир бало бўлган, деб ҳайрон бўлиб юрганлар... бу аёл бир нарсани билар экан, деб тан беришиди* (С.Нуров. Майсаларни аёз урмайди). *Бир бало борга ўхшайди ораларида* (С.Зуннунова. Олов). **Бошга бало бўлмоқ. Ортиқча ташвиш, дардисар бўлмоқ. Нима бало. Таажжуб, ҳайронланиш, ҳайрон қолишни баъзан кинояомуз сўроқни билдиради. Нима бало, тўйни насия қилиб, келинни олиб**

кеволдингизми? дегувчилар ҳам бўлди. (С.Зуннунова. Олов). *Нима бало, бола-чақангиз кўпайиб кетдими?* (“Гулдаста”). *Сув балоси. Тошқин, сел ва шу кабилардан келган, тушган кулфат. Содиқ қулингиз... тухмат балосига гирифторм бўлиб, зиндонда саргайиб ётибди.* (Ж.Шарипов. Хоразм). *Ўт боласи. Ёнгин маъносини ифодалайди. Сув балоси, ўт боласини кўргалар бор...* (“Ёшлик”). *Ҳар бало: 1) турли-туман нохушликлар; турли салбий ҳолатлар. Асли Юнус олган аҳлу-хушимни, ҳар балга солган менинг бошимни* (“Маликам айёр”).

2) Ҳар қандай нарса. У ҳар балони билади.

3) Ҳеч бало. Ҳеч нарса, ҳеч нима. *Бобо кўзларидан қочмас ҳеч бало, бир зумда далани чиқар айланиб* (Миртемир). *Ҳеч балода йўқ ёки ҳеч балони билмайди. Ҳеч нарсани билмайдиган, қўлидан ҳеч иш келмайдиган (одам). Бизда ҳам серган, қуруқ маслаҳат берадиганлар жуда кўп-у, лекин улар ҳеч балода йўқ* (Т.Обидов. “Юсуфжон қизик”)

2. *Уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, ўз ишига пишиқ. Бало қиз экан бу* (С.Аҳмад. Уфқ). *–Эшниёз ака бало! – деб давом этди Равшан Рўзи* (Ш.Холмирзаев. Ёшлик). *Сайфиддин Умаров эсингдами, математикадан бало эди* (Ойбек. Олтин водийдан шабодалар).

Буюк -1. *Ҳажм ўлчови одатдагидек ортиқ, катта; улкан. Буюк тоғ. Буюк давлат. Буюк бино. Загаров атрофидаги буюк саҳрони, шу саҳродек чексиз сукунатни сезар, ўзининг беҳаловат руҳи шу бўшлиқларни бус бутун тўлдириб тургандек туюларди* (А.Мухтор. Асарлар).

2. *Улуғвор, тенгсиз, юксак, мислсиз. Буюк, етук одамлар ниҳоятда камтар, камсухан, дилбару меҳрибон бўлишни... бу доно қиз яхши биларди.* (Мирмуҳсин. Меъмор). *Буюк воқеалар олдида вақт ўз ҳукмини ўтказа олмайди* (“Саодат”). *Инсоният ўз аломати жараёнида қўлга киритган буюк кашфиёти-тилдир.* (Ғ.Саломов. Таржима назарияси).

3. *Азиз, мўътабар, муқаддас. Дунёда ҳеч сўз борми. Она сўзидан буюк.* (Ҳ.Олимжон). *Биз биринчи навбатда авлодларнинг буюк хотираси олдида қарздормиз* (Газетадан).

4. **Буюк.** – *“Жимланинглар, буюк шахс келяпти”- деди Маҳмуд синфхонага кириб.*

Ҳа, қандай буюк ишларни бажариб келдинг?- деди Ҳолида кесатиқ оҳангида.

5. **Офат-** ранж, алам; жирканиш; бахтсизлик, бало; хавф. 1. *Бошга кулфат солувчи ёки ҳалокатга олиб келувчи бахтсизлик; бало. Халқ бошига кўп офатлар*

келтирган Андижон зилзиласи Қорабулоқни сувдан маҳрум қилиб қўйди. (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

2. Унинг қошлари камон, офат эди.

Қизларнинг ҳаммаси сутга чайилгандек оқ, офатижон! Атрофимизда, гирдикапалак бўлишади (“Ёшлик”)

Юқорида келтирилган барча сифатларда биринчиси ўз маъносида, оғзаки нутққа қўлланилганда эса кўчма яъни тескари маънода ишлатилар экан. Бунда сўзловчи ва тингловчининг руҳий ҳолати айна вақтдаги ҳис-туйғулари сўзнинг қай маънода ишлатаётганлигини белгилаб беради. “Жимланинглар, буюк шахс келяпти!” мисолида кесатик, норозилик бор.

II БОБ. ЭНАНТИОСЕМИЯНИНГ НУТҚИЙ КЎРИНИШЛАРИ

2.1. Лексик энантиосемия

Отмоқ- 1. Қўлни силтаб ёки қулочқашлаб, қўлидаги нарсани узоққа ёки мулжалга ирғитмоқ, улоқтирмоқ. Тош отмоқ, гранат отмоқ. *Ёрмат пичоқни суғуриб олиб, узоққа отди.* (Ойбек. Танланган асарлар).

2. Ташламоқ, ирғитиб юбормоқ. *Тантибойвачча кўрпачага бемалол ўтириб, дупписини бир чеккага отди.* (Ойбек. Танланган асарлар).

3. Шиддат билан бирор томонга, жойга ташламоқ ёки ташланмоқ, отилмоқ. *Гулнор хушсизлашган каби, бошини онасининг тиззасига отди* (Ойбек. Танланган асарлар). *Болакай, ястаниб ётган поёнсиз лозордан югуриб келиб, узини унинг кучоғига отди.* (“Шарк юлдузи”).

4. Кўтариб ерга урмоқ, йиқитмоқ (курашда) *У (Сиддиқжон) ҳозир курашда рақибини ёнбошга олиб отга.* (А.Қахҳор. Кушчинор чироқлари). кутасни отмади, зўр билан уни майдоннинг четига- қаттиқ ерга судради. (А.Қахҳор. Сароб.)

5. Кучма. Улоқтириб ташламоқ, тарк этмоқ, йиғиштирмоқ. *Қўлингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилик қил, болам ёмонликни от!* (Эргаш Жуманбулбул ўғли).

6. Чиқармоқ, ёзмоқ, ёймоқ (асосан ўсимликлар ҳақида) *Чечак отмоқ, палак отмоқ, куртак отмоқ.*

Ҳадемай карнайгуллар, жуда ҳафсала билан чиройли килиб тортилган ипларга чирмашиб, катта-катта япроқлар отади. (А.Қахҳор. Қўшчинор чироқлари). *Зилол сувли шаршара ёнида икки баҳайбат чинор, Бобур замонидан гувоҳлик бериб, шох отиб турибди.* (Ҳ.Ҳасанов Экватордан ўтганда).

Томир отмоқ, тонг отмоқ. *Бағрида кимгадир бахт, кимгадир кайғу юклаб, яна тонг отмоқда* (“Ёшлик”).

7. Бирор қурол воситасида ўқ, тош, санаряд отмоқ. Камалак отмоқ. Миномёт (дан) отмоқ. Отган ўқ қайтмас (Мақол). *Ётиб қолгунча –отиб қол* (Мақол). *Танкларимиз душманнинг олдинги окопларидан ўтиб, танкка қарши отадиган батареяни тўпга тута бошлади.* (А.Қахҳор. “Олтин юлдуз”).

8. Отиш қуроли воситасида ўриб шикастламоқ ёки ўлдирмоқ. Ўрдак отмоқ. Қуён отмоқ. *Йулчи тишини қисирлатиб деди: -тўпнинг оғзига қўйиб, отиб юборинглари мени қонхўрлар!* (Ойбек. Танланган асарлар). *Баъзан қизик –синиб биз ҳам каптар отиб кўрмоқчи бўлдик.* (Шукурулло. Сайланма).

9. Куч билан итариб, иткитиб чиқармоқ, учуриб юбормоқ. Шиша пробкасини отиб юборди. Вулқон юз тонналаб оловпанган тоғ жинсларини ҳавога отди.

Сувдан оқизиб кетади, дам четга отади. (С.Ахмад. Уфқ).

10. Кўчма. Куймоқ, ташламоқ. Шиор отмоқ. Масалан, ўртага отмоқ. Дастлаб бу гапни дадангиз ўзлари ўртага отдилар. (Ойбек. Танланган асарлар).

11. Учмоқ, сирғанмоқ. Яхмалак отмоқ, коньки отмоқ.

Менинг ёшлигимда бирга ошиқ ўйнаб, яхмалак отиб ўсган бир оғайним бор (Шукрулло. Сайланма). **Нафси ҳакалак отади. Мазахуракка ўрганиб, нафсини тиёлмайди.**

Шаталоқ отмоқ. Қизинг ҳозир қаёққа хоҳласа, ўша ёққа шаталоқ отиб, чопиб юрибди (Мирмуҳсин. Умид).

Юқоридаги барча мисолларни кўриб чиқиб отмоқ. Бирор нарсани ташқарига улоқтирмақ маъноси умумий эканлигини кўришимиз мумкин. Лекин тилда отмоқ феълени “ичкарига” маъносида ҳам қўлланилиши мумкин. Тортмоқ, ичмоқ (ичимлик ҳақида)

1. Эсонбой чорпоёга чиқиб, у билан ёнма-ён ўтирганда, чол жиндай отиб олганлигини сезди. (ичиб олмоқ) (Ёшлик).

2. У (Эрмон бува) носни яна отиб олади-да, афсонасини бошлайди...

(Ў. Ҳошимов. Танланган асарлар (57) Дунёнинг ишлари).

Ташламоқ.

1. Нарсани қўлдан, елкадан ёки бошқа жойдан узиб, қуш томон (ирғитиб отиб ва ҳоказо) туширмақ, йуналтирмақ. Олма узиб, ерга ташламоқ. Фуломжон супургини ташлаб, қўлларини қоқди. (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). **Кейин носини ташлашга жой излаб аланглади.** (Ў.Ҳошимов. Қалбингга қулоқ сол).

Муниҳон суюнчиққа бошини ташлаб, деразага тикилиб борарди. (У.Умарбеков Ёз ёмғири). *... чопонини елкасига ташлади-да, йулга тушиди.* (Н.Фозилов. Дийдор).

3. Куч, зарб билан интилмоқ, ўзини отмоқ. Зухра Саодатхонга ўзини ташлаб, маҳкам қучоқлаб олди. (С.Зунунова. Янги директор). **Чумилмоқ-чун бирдай бўлиб, энди ҳовузга ташлади** (“Муроджон”).

4. Бирор иш, вазифа кабиларга йуналтирмақ, йўлламоқ, сафарбар қилмоқ. Ҳаммани йиғим-теримга ташламоқ. Душман бор кучини жон ҳолатда қариши хужумга ташлади. (Газетадан). **Душман барча мавжуд танқларини ва ўзи юрар тўпларини хужумга ташлади.**

5. Эътиборсиз алоқани узиб ва бошқа холда қолдирмақ. Дўст сўзини ташлама, ташлаб бошинг қашлама. (Мақол). **Унинг талабаларидан бир қанчаси мактабни ташлаб бу ерга қочиб келди.** (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча). **Ғаввос**

Муҳаммаднинг устозни ташлаб кетиб қолгани армон бўлиб турганида, эшикдан учинчи шогирди –Зулфиқор Шоший кириб келди. (Мирмуҳсин. Меъмор).

6. Барҳам бермоқ, йўқ қилмоқ; йиғиштирмоқ. (баъзи одат, ҳатти-ҳаракат кабилар ҳақида) *Дадам ароқни ташлаган бўлсалар-а! Роса мазза бўларди-да.* (Э.Раимов Ажаб қишлоқ. Ўқитувчи ёки тиббиёт ходими бўлмоқчиман).

Чекишни ташла, одамларга икки қиёфада кўринма. (Газетадан.) *Хўш, кинани ташлаган бўлсангиз ... нега бол уларнинголдида оғзингизга келганини утладингиз?* (А.Қодирий. Мехробдан чаён).

7. Пасаймоқ, тушмоқ. Совуқ бир оз ташлади, Нархлар анча ташлади.

8. Рақсга тушмоқ; ўйнамоқ. Тановарга роса ташлади.

9. (Кум феъл вазифасида) -б кўшимчали равишдош шаклига кўшилиб, ҳаракатнинг кескин кучли тарзда юз беришини билдиради. Бузиб ташлади. Жеркиб ташлади. Ёжимлаб ташлади. Ирғитиб ташлади. Афғариб ташлади. *Шу ернинг ўзида подшоҳ кишилари уни тутиб олиб тилка-пора қилиб ташлаган эди.* (Мирмуҳсин. Меъмор).

10. Гап ташламоқ. *Шунча қизлар билан ўқиб, бирга дарс таёрлаб, бирортасига гап ташламабман.* (М.Қориев Ойдин кечалар).

Илон пусти ташлайди. *Қилаётган қилигига илонлар пусти ташлайди.* (Мирмуҳсин. Меъмор).

Кўз ташламоқ. *Бобур тўпланиб турган бекларга кўз ташлаган эди.* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар). Соя ташламоқ. *Таркамлиб кетган кенг шохлар ерларга ола кўланка ташлаган* (Уйғун. Сайланма).

Ташладими ёки бир умр кўзимга ҳам қулқаларини. (Ш.Раҳмон. Юрак қирралари).

Луқма ташламоқ. *Жиззакилик қилиб ўтирган ерида нотиқча бир-икки луқма ташлади.* (Ф.Мусажонов. Ҳиммат).

Орқага ташламоқ. 1) орқага олмоқ, кўрқиб ўзини орқага ташлади; 2) орқага (кейинга) сурмоқ, қолдирмоқ.

Бугун бориб кела қол, орқага ташлама.

Соя ташламоқ. 1) соя бермоқ. *Баҳайбат сада атрофга соя ташлаб турибди;* 2) Ўз аксини (ифодасини) бермоқ. *Раисанинг қошлари чимирилиб, ҳалигина қулиб турган юзига ҳам соя ташлади.* (М.Хайруллаев. Тилла маржон). 3) кўчма. *Хиралаштирмоқ; таъсирини сусайтирмоқ. Романнинг бадийлигига соя ташлаб турган воқеалар баъзи ўринларда ортиқча чўзилиб кетади* (С.Кароматов Олтин қуш).

Тоб ташламоқ. Тоб ташламаслик керак оғир шароитларда, -деди Шоимов бамайлихотир (“Ўзбекистон қуриқлари”).

Томдан (ўзини) ташлайди. *Мумай пул кўрса, томдан ўзини ташлайди.* (“Муштум”)

Уруғ ташламоқ. Сепмоқ, эқмоқ. *Дехқон яхши ният билан заминга барака уруғини ташламоқда* (Газетадан).

Хандон ташламоқ. (*ёки отмоқ*) *ортиқ ўзининг ҳазилидан ўзи хандон ташлаб кулди* (М.Мансуров. Емби).

Шох ташламоқ. *Шахзодагон бир нозик шох ташлаб, сочларини тартибга солиш ю ...тахмонга борди* (К.Яшин Ҳамза). Ташламоқ оғзига нон ташламоқ. У бир булак нонни олди -да оғзига ташлади.

Чикмок-1. юқорига. Баландга ёки бирор нарса устига кўтарилмоқ. Тепага чикмоқ. Дарахтга чикмоқ. Тоққа чикмоқ. *Қоровул тепаликка чиқиб, ҳар томонни диққат билан кўздан кечирди.* (Ёшлик) *Альпинистлар шу чуққига чиқиб, уни забт этишга аҳд қилдилар.* (Газетадан).

2. Бирор ҳаракатни амалга ошириш ёки бирор нарсага эришиш мақсадида муайян жойга бормоқ. Дўконга чикди. Сувга чикди. *У бир кунни саккиз юз йигит билан овга чиқибди.* (“Булбулигўё”).

-Нега яна Эрали билан туйга чиқдинг? –деди эр. (Н.Аминов Қаҳқаҳа). *Эрининг намоз ўқиш учун масжидга чиқиши янгилик эмас.* (“Шарқ юлдузи”).

3. Бирор мақсадда узоқ жойга бормоқ, турган жойидан узоқлашмоқ. *Бир соатдан сўнг узоқ йўлга чиқаман.* (Э.Самандар. Дарёсини йўқотган қирғоқ). *Муқбил бир қаландар суратига кириб, сафарга чиқибди.* (“Чалпак ёққан кун”).

4. Табиий йўналишини ўзгартирмоқ, тошмоқ. Сув тошиб, қирғоққа чикди. *Фақат анҳор ўз ўзанидан чиқолмади.* (Ў.Ҳошимов. Қалбингга кулоқ сол).

5. Кўтарилиб, баландлашиб, бирор даражага етмоқ (турли жараёнлар ҳақида) Иссиғи қирқа чикди. Қон босими юзга чикди.

6. Умрнинг маълум бир муддатига, пайтга етмоқ. *Ёшим қирққа чикди. – ҳисобласам, бир камтўқсонга чиқибман,-деди чол* (“Ёшлик”).

7. Бирор ҳаракат, уриниш натижасида янги бир ҳолатга ўтмоқ, эришмоқ, етмоқ. Озодликка чикмоқ.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ – биз ҳам ёруғ кунларга чиқамиз (“Ёшлик”). *Сусамбилликлар энди тамом эркинликка чиқиб, сал кунда семириб кетибдилар* (“Чалпак ёққан кун”).

8. Ичкаридан ташқарига йуналмоқ, ичкаридан ташқарига ҳаракатланиб, маълум жойга етмоқ. *Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар* (Мақол). *Лип этиб бир қора шарпа уйдан чиқиб кетди* (Э.Самандар. Дарёсини йўқотган қирғоқ). *Жўра қизиқ индамай, боши эгилганча, кабинетдан чиқиб кетди.* (С.Кораматов. Бир томчи қон). *Келин уйдан ҳовлига чиқди* (“Ёшлик”).

9. Чуқур жойдан юқорига ҳаракатланиб, уни тарк этмоқ. Ўрадан чиқмоқ. Жардан чиқмоқ. *Бу орада Ҳасан ҳам чуқурликдан чиқиб олишади.* (Ш.Холмирзаев.,Т.Усмонов. Сўнмас ўт).

10. Белгиланган йўлдан, йўналишдан тоймоқ, чекинмоқ Машина издан чиқди. Ўқувчи дафтар чизигидан чиқиб кетди.

11. Бўшалмоқ, қутулмоқ, озод бўлмоқ. (хайвон паррандалар ҳақида). *Тулки қопқондан чиқиб қочиб қолди.* (Газетадан). *Бургут чангалидан чиқиш осон эмас.* (М.Мансуров. Ёмби). *Эринмасдан тур тукийман, илинган жойга тузоқ ёзаман... токи ўлжа кўлдан чиқмасин.* (М.Дўст. Лолазор).

12. Суғурмоқ, ажралиб кетмоқ. Машинанинг ғилдираги чиқиб кетди.

13. Қийин шароитдан ёки бирон мавсумдан ўтиб олмоқ. *Қирк олтинчи йил оғир келди... Урушдан янги чизилган, одамлар эзилган.* (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси).

14. Бунёд қилинмоқ, ясалмоқ, ишлов берилмоқ. (тақинчоқнинг) Тилла симдан тўқилган икки шокиласи, худди кеча заргар кўлидан чиққандек, ярқирайди. (М.Мансуров Ёмби). *Шоир каламиданчиккан мисралар коғозга шиддат билан битилмоқда эди.* (Газетадан).

15. Бирор фаолият доирасидан четда қолмоқ. Фаолиятни тўхтатмоқ. Урфдан чиқмоқ. *Ҳой Абдумажид, нима бало, хотининг одамгарчиликдан чиқиб қолганми, дейман* (С.Аҳмад. Уфқ). *Ҳозирга келиб грамматикализация асосидаги усуллар истъмолдан чиққан.*

16. Бирор жойдан, табақадан пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ, бирор даражага етишмоқ. Ишчидан чакқон ёзувчи. Сендан яхши футболлист чиқади. *Мусаввирнинг Шарқ халқлари орасидан чиққан машҳур кишилар қиёфасини акс эттирган асарлари ҳам томашабин эътиборини тортади.* (Газетадан). *Тамаки асли Ҳиндистондан чиққан.* (К.Қахҳорова. Чорак аср ҳамнафас). *Сендан каллаварамдан космонавт туғул, шофёр ҳам чиқмайди* (Н.Норқобилов. Тўқнашув).

17. Бирор руҳий ҳолатдан қутулмоқ. *У газетани ёнига қўйиб, бир неча минут столни чертиб, ҳозир ўқиган нарсалари таъсиридан чиқолмай туриб қолди.* (С.Аҳмад. Уфқ).

18. Бирор нарсдан безор бўлмоқ, зерикмоқ ёки кўтара олмай қолмоқ. 1. У ошдан чиқиб қолди. 2. Ёш болаларнинг хархашасидан жуда чиқибман.

19. Тамом бўлмоқ, охирламоқ, ўтмоқ, тугамоқ, кечмоқ.

Чилла чиқди –ҳа, энди қиш чиқди, - дейишди кузли деҳқонлар. (Р.Раҳмон. Меҳр кўзда).

20. Вужудга келмоқ; пайдо бўлмоқ. Машинанинг “Матиз” деган янги хили чиқибди.

21. Топилмоқ. Йўқолган нарса уйимиздан чикди. Гордан чикқан бойлик. *Уч кундан сўнг минг сўмга олувчи харидор чиқди.* (А.Қахҳор, Сароб). *Ўтирганлардан бири ирғиб ўрнидан турди-ю, даҳлизнинг эшигини очиб, қаттиқ шивирлади: - Мўйдин, кир, аризанг чиқди.* (А.Қахҳор. Қўшчинор чироқлари).

22. Юзага келиш эътибори билан бирор манбага мансуб бўлмоқ. Расмий доиралардан чикқан хабар.

-Бунақа гаплар кимдан чиқади?- деди Аҳмедов мийигида кулиб. (А.Қахҳор. Қўшчинор чироқлари)

23. Нашр бўлмоқ, чоп этилмоқ, босилмоқ. Китоб босмадан чикди.

24. Маҳсул, самара, натижа сифатида юзага келмоқ. Қуруқ гапдан фойда чикмайди. Беш килограмм гилосдан неча килограмм мураббо чиқади? *Сўнги пушаймондан наф чиқмас.* (Мақол). *Ҳар қутидан етмиш саккиз киллодан пилла чиқса бўладими?* (А.Қахҳор. Қўшчинор чироқлари).

26. Бирор иш, жой, ташкилот ва шу кабилардан ажралмоқ, узилмоқ, ажралиб, узилиб қолмоқ; ташлаб кетмоқ. Ташкилотдан чикмоқ. Халққа суянсанг, бўласан, халқдан чиксанг сўласан. (Мақол).

Мусулмонқулга тарафдорларингиз бўлса, тинчликча қўшиндан чиқсин! (А.Қодирий. Ўтган кунлар).

“Чикмоқ” феъли юкоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, “ичкаридан ташқарига ҳаракатланмоқ” маъносида қўлланилади. Лекин транспорт воситалари, автобус, машина, самалёт кабиларда “ташқаридан ичкарига ҳаракатланмоқ” маъносида ишлатилади.

Бу ерда бир сўз икки маъно, яъни бир бирига зид икки маъноларда қўлланилмоқда. Масалан, автобусга чикмоқ. *Фосик афанди сурига эмас, извошга чиқди.* (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

2.2. Фразеологик энантиосемия

Энантиосемия ҳодисаси фразеологик бирликлар семантикасида ҳам учрайди. Фразеологик бирликлар энантиосемиялари бошқа тил бирликларининг энантиосемияларидан ўзига хос спецификаси билан ажралиб туради.

Замонавий тилшуносликда фразеологик бирликлар энантиосемиялари тўлиқ ва кенг қамровда амалий жиҳатдан ўрганилмаган. Фразеологик бирликлар ўзининг тузилиши, маъноси ва вазифасига кўра бошқа лексик сатҳдаги бирликлардан фарқ қилади.

Биринчидан, фразеологик бирликлар семантик структурасининг ҳам сигнификатив ҳам коннотатив компонентлари бир вақтнинг ўзида контрап муносабатларга киришади.

Иккинчидан, фразеологик энантиосемиялар кўпроқ замонавий тилшуносликнинг прагматик сатҳи билан боғлиқ.

Учинчидан, фразеологик энантиосемиялар семантикасидаги консервативлик уларнинг миқдор жиҳатдан луғавий энантиосемияларга тенглашолмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган фарқларга қарамадан луғавий ва фразеологик энантиосемиялар типологияси амалий жиҳатдан мос тушади.

Турли критерийлар негизида ҳосил бўлган фразеологик энантиосемияларнинг қуйидаги турлари диққатни ўзига тортади. Фразеологизмлар маъносининг мантиқан предметликка алоқадорлик масаласи номинатив энантиосемияларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бироқ, шуни айтмоқ жоизки, луғавий номинатив энантиосемияларга боғлиқ ҳолда фразеологизмларда қутбланиш жараёни иккинчи маънони сифатлашдаги ўзгариш билан тенг боради.

Масалан: тил учидан турмоқ «хеч ҳам хотирага келмаяпти» ва «доим онгда пайдо бўлиш». Фразеологик бирликларнинг семантик вариантлари қутбий денотатив маъноси билан бирга қарама-қарши белгиларга ҳам эга: "онгда мавжуд» (-) «онгда мавжуд эмас» (-).

Аналогик тарзда **хизмат кўрсатмоқ** - «фойда келтириш» (-) ва «зиён келтириш» (-);

илтифот, мурувват, шарофат, марҳамати билан «кимнингдир ёрдами билан, кимдир сабабчи бўлганлиги маъносида» (-) ва «кимнингдир айби билан» (-);

қўлларига эрк бермоқ «қучоқламоқ» (-) ва «урмоқ» (-) ва бошқалар.

Фразеологик энантиосемияли бирлик қанчалик кўп қўшимча экспрессив семаларни олар экан, у ўзининг қарама-қарши маъноли ҳиссий маънога эга бўлган эмоционал сифатловчи энантиосемиясига яқинлашар экан.

Фразеологик бирликлар энантиосемиялари структураси таркибига ижобий ва салбий сифатлаш семалари киради. Масалан бундай ҳолатни фразеологик бирликларнинг **зооморфлари**да кўриш мумкин.

Масалан:

оқ қарғадек ҳаммадан ажрамасдан ишингни қил; ана, жим бўл.

Ола бўжи келяпти! (болаларга нисбатан кўркитиш маъносида);

Аммамнинг бузоғидай хўшшайиб турма!

Фразеологизмларни қутбий семантикаси доирасида маълум бир лексик-грамматик белгилари асосида сўз туркумларига киритиш мумкин. Ўзларининг семантикаси ва грамматик маъносига кўра энантиосемик фразеологизмлар бир неча турларга бўлинади:

1. Субстантив фразеологизмлар: оқ қарға, аммамнинг бузоғи; тўнка; ошқовоқ; хом калла; нозик иш;

2. Адъектив фразеологизмлар: эси паст, ақли заиф;

3. Адвербиал фразеологизмлар: кўзи юмуқ ҳолда;

4. Феълли фразеологизмлар: кўз уриштирмак, оғирининг остидан, енгилининг устидан ўтмак; қўйнига қўл солиб кўрмак; таъзирин бермак; муз кўчди, иш юришиб кетди;

5. Ундовли фразеологизмлар: Э, сенга гап тегдими, тамом! Чўзаверасан резинка қилиб! Офарин, жуда яхши таклиф бўлди. Офарин,

Энантиосемиялар ўз табиати билан мураккаб ва қизиқарли ходисадир. Улар нафақат тилшунослик билан, балки бошқа фанлар – адабиётшунослик, мантиқ, фалсафа, психология билан чамбарчас боғлиқликда.

Ўз мазмун-моҳияти билан улар мустақил луғавий-семантик категориялар ҳамдир. Энантиосемиялар билан ёнма-ён бошқа ҳодисалар уларга хос белгилар мажмуи билан тўлиқ таъминланмаганлар.

Энантиосемияларни ҳақли равишда тилда мавжуд бўлган антонимик, омонимик, синонимик муносабатлар қаторига, занжирига қўшиш мумкин, бу билан ўзбек тилшунослигининг семантика узвида ҳосил бўлган бўшлиқ тўлдирилган бўлар эди.

Энантиосемия ҳодисаси лисоний сатҳнинг ўз тузилишида турли даражадаги қарама-қаршилиқларни мужассам этган турли бирликлари (лексема, аффикс, фразама) орқали репрезентация қилади.

Феълли, субстантив, адвербиал, адъектив ҳамда ундовли энантиосемиялар, одатда, эмоционал сифатлаш хухусиятига эга.

Умуман олганда луғавий ва фразеологик энантиосемияларнинг структураси бир турда бўлиб, прагматик аспектнинг муҳим роли шундаки, у фразеологик сатҳда фразеологик бирликлар семантикасига қатор коррективларни киритади.

Ўзбек тилида энантиосемиялар кенг қўламли бўлиб, турли услубларда, айниқса, сўзлашув услубида тез-тез қўлланлиб туради. Энантиосемия ҳодисаси инсоннинг борликка бўлган муносабати маҳсулидир. Шунинг учун у тилнинг ифода воситаси сифатида тилшунослик фанида изчил ўрганилиши лозим ва алоҳида эътиборга молик лисоний ҳодисадир.

2.3.Энантиосемия ва нутқий вазият

Энантиосемия бевосита нутқ жараёни билан боғлиқ ҳодисадир. Энантиосемияни кўчма маъно ҳосил қилиш йўлларидадан бири дейишимиз мумкин. У ҳам зидлов маъносини ифодаловчи воситалар сирасига киради. Маълумки, ўзбек тили зидлов маъносини ифода этувчи воситаларга ниҳоятда бой бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1. Антонимия воситалар

2. Инко ифодалаш воситалари.

Антонимлар ва инкор ифодалаш воситалари нутқда ҳеч қандай экспрессив – стилистик бўёқсиз қўлланилаверади. Бу воситалар контекста ташқарида ҳам зидлик маъносини англантиб тураверади. Шунинг учун ҳам улар тил ҳодисалари ҳисобланади Энантиосемия, эса тил ҳодисаси эмас, балки нутқий жараёнда реаллашувчи услубий восита ҳисобланади.

Энантиосемия ўз хусусияти билан зидлик ифодаловчи бошқа воситалардан кескин фарқланиб туради. Ўзбек тилида зидликнинг ифодаловчи ўхшаш ҳодисалар кўп. Буни тадқиқитчиларнинг кўпчилиги қайд этиб ўтган. Энантиосемия ва киноя ҳодисалари ҳам вазифаси нуқтаи назаридан бир-бирига ўхшаш, яна қайсидир муҳим белгиси билан бир-биридан ажралиб турувчи ҳодисалардир. Бизнинг вазифамиз ана шундай ўхшаш ҳодисаларни фарқлай олишдан ҳам иборатдир. Бунинг учун ўхшаш ҳодисаларни тўғри ажрата билиш лозим бўлади.

Энантиосемия грекча “enantio” – қарама қарши “сема”- белги маъносини англантиб, тилшуносликда бир сўзнинг семантик структурасида зид маънонинг юзага келишини билдиради. Масалан: “кўр” сўзи дастлаб феъл туркумига хос бўлган “кўрмоқ” феълнинг ўзаги ҳисобланиб, ҳозирги ўзбек тилида “кўзи ожиз” (кўрмас) маъносини ифодалаш учун

хизмат қилади. Ҳозирги кунда бу сўзнинг дастлабки маъноси инкор этилиб, бутунлай янги маъно –тескари маънода қўлланади. Сўзларнинг бундай терс маъно ифода этиши эса энантиосемия ҳодисаси деб юритилади. Қуйидаги мисолни олиб кўрайлик:

Энди чилласи чиққан қизалоқ..

Отини қайёдан билсин? Сураткашнинг хусн-тароватиданми аппаратнинг беўхшов уч оёғиданми, кўрқиб йигиб юборди! (Ў.Ҳошимов. Хотам хасиснинг хазинаси).

Юқоридаги мисолдан англаса бўладики, “хусн-тароват” сўзи аслида ижобий маънодаги чирой сўзига синоним сўздир. Лекин асарда бу сўз тескари маънода қўлланмоқда. Яъни бу ерда нутқ вазияти билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади.

-Имтиҳондан ўтиб олдингми?

-Ҳа, ўтиб олдим (кесатик оҳангда).

-Ие? Нима бўлди?

Нутқимизда кўплаб учрайдиган юқоридаги мисолда ҳам вазият сўзловчи ва тингловчи томонидан белгиланади. Бу ерда оҳанг муҳим ўрин тутаети. **Имтиҳондан ўтиб олдингми?** саволига жавобни кесатик оҳангида айтгани учун унинг ўта олмаганлигини назарда тутаетганини англашимиз мумкин. Нутқимизда бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

3-БОБ

ЭНАНТИОСЕМИЯНИНГ ЭМОЦИОНАЛ-УСЛУБИЙ ХОССАЛАРИ

3.1. Энантисемиядаги ижобий бўёқдорлик

Мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили статусининг берилиши ҳамда унинг халқимизнинг миллий бойлиги сифатида қадрланиши илмий тадқиқот ишларининг янада мазмунли ва мукамал олиб борилишига шароит яратиб бермоқда. Миллий истиқлол ғоясининг амалга оширилаётганлигининг амалий натижаси ўзбек тилини илмий асосда ўрганиш борасида кенг кўламли тадқиқот ишларида ўз аксини топмоқда.

Ўзбек тилшунослиги миллий истиқлол ғояси фалсафасига асосланади ва истиқлол ғояларини амалга ошириш учун хизмат қилади. Кейинги йилларда инсон ҳақидаги фанлар шиддат билан тараққий этиб бормоқда. Буларнинг барчаси тилшунослик фанида акс этмасдан қолмайди.

Лингвистик ҳодисалар замонавий тилшуносликнинг илғор йўналишларидан бири - инсон мулоқоти нуқтаи назаридан туриб тадқиқ этилмоқда. Тадқиқотнинг коммуникатив шакли тилни мулоқот воситаси сифатида ўрганиш учун илмий назарияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Инсон махлуқотлар орасида сўзи билан ажралиб туради. Тил ва тафаккур ўзаро узвий алоқада экан, кишиларнинг маънавий олами унинг сўзи, нутқи орқали аниқ билиб олишимиз мумкин. Чин инсон доимо комилликка интилади. У атрофидаги одамлар билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб яшайди. Ўзи билган воқеа-ҳодисаларни бошқаларга баён қилади. Айни пайтда бошқалардан ҳам янги воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумотга эга бўлади.

Ўзи яшаётган даврдан бир неча юз йиллар олдин бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳам ёзма манбалардан ўкиб ахборот олади. Буларнинг ҳаммасига тил воситаси ёрдамида эришади. Зеро кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситаси тил ҳисобланади. .

Нутқ - маълум ахборотни ифодаловчи тилнинг муайян қоидаларига бўйсунган сўзлар кетма-кетлигидир. Нутқнинг аниқлиги билан мантиқийлиги ўзаро боғлиқ. Лекин уларни белгилашда турли тамойилга таянилади.

Нутқнинг аниқлигини белгилашда "сўз-борлик" муносабатига асосланилади. Нутқнинг мантиқийлигини белгилашда эса "гап-фикр" муносабатига таянилади.

Ўзбек тилшунослигида энантисемиялар ўз маъноларида карама-қарши (ижобий ва салбий) оттенкаларнинг борлиги билан ажралиб туради. Жаҳон тилшунослигида ушбу муаммо юзасидан олиб борилган мавжуд тадқиқот ишлари ҳозиргача систем табиатга эга эмас, аксинча ушбу тил ҳодисасининг алоҳида сатҳларини ёритишга бағишланган ҳолос.

Асосий диққат лексик энантиосемияларга қаратилган бўлиб, тилнинг фразеологик бирликлари тилшунос олимларнинг диққат эътиборидан четда қолмоқда.

Ҳозирги замон ўзбек тилшунослигида энантиосемияларни кенг ёритувчи жиддий илмий тадқиқот ишлари мавжуд эмас. Ҳанузгача ўзбек энантиосемияларининг тилдаги шаклий ва вазифавий мавқеи, энантиосемик лисоний бирликларнинг таснифи, прагматик позициялари ҳамда лисоний табиати аниқланмаган.

Барча турдаги лексема, аффикс ва фраземалар ўзида икки ўзаро қарама-қарши маъноларни ифодалаган тақдирдагина энантиосемаларга айланади. Энантиосемия атамаси В.Шерцель томонидан қўлланилган. Рус тилшунослигида Л.А.Новиков, Я.И.Гельбель, И.Н.Горелов, О.И.Смирнов, В. Н. Прохорова, О.М.Соколов, Т.Г.Пономаренко, М. В. Панов, Е.П.Ходакова, А.А.Реформатский, Э.А.Баладикина, О.С.Ахмановалар томонидан энантиосемия тушунчасига илмий таъриф берилган бўлиб, К.Абель, О.Г.Скворцов, Р.А.Будагов, И.Пете, В.Ю.Меликян томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ва улар энантиосемия ҳодисасини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Аммо ўзбек тилшунослигида энантиосемия ҳодисаси ҳали ҳанузгача тўлиқ, кенг қамровда ўрганилмаган.

Сўз доирасида қарама-қаршилик маъно оттенкаларининг мужассамлик критерийси энантиосемик бирликларни ажратиб туради.

Умуман олганда луғавий ва фразеологик энантиосемияларнинг структураси бир хил, ўхшашдир. Фразеологик бирликларнинг энантиосемияси луғавий бирликларнинг энантиосемиясига қараганда мураккаброқдир. Бунга сабаб шундаки, фразеологик иборалар сўзларга нисбатан ўзларининг тузилиши ва семантикасига кўра анча ўзига хосдир. Фразеологик сатҳда тасвирийлик, ҳиссий, баҳолаш ва прагматик сатҳларнинг фразеологик бирликлар семантикасида тутган ўрни катор қўшимча ўзига хосликларни улар энантиосемияларига сингдиради.

Энантиосемия омонимия, антонимия, синонимиялар билан бир каторда лексик семантиканинг мустақил категориясини намоён этади. Модомики энантиосемияларга тааллуқли бўлган бир қанча ўзига хосликлар биронта бир бошқа луғавий-семантик категорияларда учрамайди. Тилимиздаги энантиосемик лексемалар ўз ичига 200 га яқин (луғатларда қайд этилган) бирликларни олади.

Оғзаки нутқда луғавий ва фразеологик материалнинг қўлланилиш кўлами жуда кенг бўлиб, оғзаки мулоқотда энантиосемик маънолар спонтан тарзда чексиз-чегарасиз пайдо бўлади.

Энантисемиқ бирликларни турли критерийлар асосида тасниф қилиш мумкин. Шу мақсадда луғавий ва фразеологик, номинатив ва ҳиссий-сифатлаш, ядроли ва периферияли, синхрон ва диахрон, узул ва окказионал, бир услубли ва ҳар хил услубли

Луғавий энантисемиқ тузилишига кўра хусусий луғавий-туб ва ясама кўринишларга эга.

Номинатив энантисемиқ ўз навбатида аслий (контрар) ва комплементар, векторли ва конверсив кўринишларга эга.

Энантисемиқ ҳодисаси инсоннинг олами, борлиқни ҳис этиш ҳолатларини ифодаловчи аспектлардан биридир. Шу билан бирга коммуникатив мулоқот мақсади ва индивидуум (шахс, кимса)нинг интенцияларидан келиб чиқиб, инсоннинг оғзақи мулоқот пайтидаги ахлоқи, хулқи, юриш-туриши, феъл-атвори, муомаласини аниқлаш усулидир ҳам.

Бизнинг фикримизча, энантисемиқ ҳодисасига луғавий семантиканинг мустақил ҳодисаси деб қараб, унинг лисоний мавқеини белгилаш мумкин.

Энантисемиқларнинг ўзига хос табиати ва мазмун-моҳиятини тушуниб, англаб этиш учун уларнинг семантикасида мавжуд бўлган қарама-қаршилик феноменини ўрганишда ётади.

Энантисемиқлар тилнинг ўзига хос кўринишларидан бири, уларнинг негизида ётган қарама-қаршилик феномени кўп сатҳли бўлиб, турли – психология, мантик, фалсафа, социология, этика, эстетика, диншунослик каби фанлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Лисоний ва нолисоний факторлар энантисемиқ муносабатлар табиатида ўз аксини топади. Олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, қарама-қаршилик категорияси – бу нафақат қарама-қарши кўювчи, балки умумлаштирувчи категория ҳам экан. Сўз маъносидаги *қарама-қаршилик* ҳодисаси – бу шахснинг борлиқ ва ундаги мавжуд нарсалар маъно табиатидаги ўта ривожланган фарқларнинг лисоний ифодасидир. Қарама-қаршилик семантик оппозиция аъзоларида умумий маъно (сема) ядроси мавжудлигини шарт қилиб қўяди.

Энантисемиқлар табиатидан келиб чиқиб, уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин экан:

1-тур: бошламоқ – тугамоқ

2-тур: ҳаракат, таъсир, воқеа-ҳодиса – ҳаракат натижаларини йўқ қилмоқ

3-тур: кўп – оз

4-тур: яхши – ёмон

1-турга маъносида **бошламоқ** (бирор нарсага асос солмоқ, бошламоқ, бошлаб бермоқ; бирор нарсани амалга оширмоқ) – **тугамоқ** (бирор нарсани яқунламоқ, хотима бермоқ, тугатмоқ, тамом қилмоқ; яшашдан тўхтамоқ) **қийёсланг**:

бирор нарсанинг эгаси бўлишни бошламоқ маъносидаги **қарз** (ўртоғидан китобни *қарз* олди) – бирор нарсанинг эгаси бўлишдан тўхтамоқ маъносидаги **қарз** (китобни ўртоғига *қарз* берди) каби қарама-қарши маънолар йиғмаси бўлган тил бирликлари киради;

Ҳаракат – ҳаракат натижаларини йўқ қилмоқ каби қарама-қарши маъноларни билдирувчи сўзлар **2-турни** ташкил этади. Бирор нарсани яшаш маъносидаги **кесмоқ** (*ёғочдан шакллар кесмоқ*) – бирор нарсани йўқ қилмоқ маъносидаги **кесмоқ** (*ўрмонни кесмоқ*);

Миқдор, масофа, вазн, куч, тезлик, мавҳум сифатлар ва бошқаларга нисбатан кўп – оз маънолар йиғмасига эга сўзлар **3-турни** ташкил этади.

“Безовта, нотинч ҳаракат қилмоқ” маъносидаги **овора бўлди** (*бутун бир зал овора бўлди*) – “бирор нарсани секин бажармоқ” маъносидаги **овора бўлмоқ** (*бир ойдан бери ҳисобот билан овора бўлди*);

“бўғиқ гумбурлаш” маъносидаги **гумбурлаш** (*узоқда бир нарса бўғиқ гумбурлади*) – “баланд, кескин товуш” маъносидаги **гумбурлаш** (*осмонда момогулдурак гумбурлади*);

“бирор нарсанинг қаттиқлиги” маъносидаги **қаттиқ** (*ширмай ноннинг ҳамирини қаттиқ қилиб қорилади*) – “ўта совуқ” маъносида **қаттиқ** (*қиш қаттиқ келди*);

“бирор нарсанинг ҳароратига муносабат” маъносидаги **қайноқ** (*қайноқ чой дамланди*) – “сермазмунлик, авжлилиқ” маъносидаги **қайноқ** (*болалар учун қайноқ ҳаёт бошланган эди*);

“баланд товуш” маъносида **шовқин** (*ҳаддан ташқари шовқинли кўчалар*) – “паст товуш” маъносидаги **шовқин** (*юракдаги шовқинлар*);

4-тур ўз ичига маъно оттенкалари “яхши – ёмон” кўринишларнинг йиғиндисини олади. Ушбу муносабатлар бўйича сўзларни фарқлаш бежиз эмас. Чунки бизни кизиқтираётган кўплаб лексемалар ўз ичида баҳолаш – яхши-ёмон, тўғри-нотўғри, виждонли-виждонсиз каби семаларни мужассам этган.

Масалан: **мурувват** – “ҳиммат, қарам, олийжаноблик, олийҳимматлик, тантилиқ, мардлик, одамийлик” маъносида (маҳалланинг саҳоватли кишилари томонидан етим болаларга мурувват кўрсатилди) ва “сохта ҳиммат, юзаки олийжаноблик, зикналиқ” маъносидаги **мурувват** (*бундай мурувватнинг бизга кераги йўқ*);

“Ёқимли, ширин бўй” – **ҳид** (*гулларнинг ҳиди*) ва “ёқимсиз, қўланса бўй” маъносидаги **ҳид** (*туриб қолган озиқ-овқатлар ҳиди*)

“Ташвиш, орзу-истак” маъносидаги **дард** (*севги дардига мубтало бўлмоқ. Дарди пул топиш бўлмоқ*). “Хасталик, касаллик” маъносидаги **дард** (*Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин*).

“Думи бор” маъносидаги **дум** (*думли қўй олдим*) ва “ёмон баҳо” маъносидаги **дум** (*математикадан думим бор*).

“Мазали, фойдали нарса” маъносидаги **думбул** (*думбул солиб шўрва пиширдик*) ва “тажрибасиз, ғўр, тентаксифат” маъносидаги **думбул** (*унинг ҳаракатларидан думбуллиги билиниб турарди*).

Ўрмонга ўтин келтирмоқ, дарёга сув келтирмоқ.

Ушбу тавсия этилган турлардаги тил бирликлари лисоний ўзига хосликлар (парадигматик, синтагматик, структур ва б.)ни ҳисобга олмаган ҳолда мантиқан тузилган.

Мавжуд семантик оппозицияларнинг юқорида кўрсатилган турларга киритилишининг ўзи қарама-қаршилик категориясининг универсаллигидан далолат беради ва энантиосемия ҳодисасида қарама-қаршилик муносабатларининг инвариант мазмун-моҳиятини олиб чиқишга имкон беради.

Бизга маълумки, таърифлар тадқиқот объектининг асосий мазмунини акс эттиргани учун ишимизда энантиосемияларнинг лингвистик таҳлиллари бериб борилди.

Ўзбек тилшунослигида ҳозиргача тилнинг ушбу феномени бўйича назариялар ишлаб чиқилмаган. Уларнинг тилдаги мавқеи ҳам аниқ белгилаб берилмаган. Замонавий рус тилшунослигига оид ишларда ушбу категорияга кўп маънолилиқ ҳодиса (Бацевич Ф.С., Бессонова Л.Е., Космеда Т.А., Салихова Н.К., Смирнова О.И.), луғавий омонимия (Виноградов В.В., Терентьева Е.В., Шанский Н.М), антонимиянинг бир тури (Будагов Р.А., Ганькин Л.К., Гельблу К.И., Новиков Л.А., Пономаренко Т.Г., Соколов О.М., Ходакова Е.П.) сифатида қаралади.

Агар диққат билан эътибор берсак, энантиосемиялар омонимия, антонимия ва полисемиялар билан айрим ўхшаш умумий белгиларга эга, аммо жиддий тарзда фарк қилади.

Луғавий-семантик категорияларнинг биронтаси ҳам энантиосемияларни ҳосил қилувчи белгиларнинг тўлиқ тўпламига эга эмас.

Бироқ синонимия, омонимия, антонимия ҳодисаларига сўзнинг бинар структураси (ифода ва мазмун) нуқтаи назаридан туриб қаралганда, энантиосемиялар ҳақли равишда қуйидаги муносабатларга:

синонимик бирликлар – шакли ҳар хил, айтилиши яқин сўзлар;

антонимик бирликлар – айтилиши ҳар хил, маънолари зид сўзлар;

омонимик бирликлар – айтилиши айнан ўхшаш, маънолари ҳар хил сўзлар;

энантиосемик бирликлар - айтилиши айнан ўхшаш, маънолари қарама-қарши сўзлар - киритилган бўлар эди. Шунинг учун энантиосемияларни луғавий семантиканинг мустақил категорияси сифатида ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Энантиосемияларга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

икки қарама-қарши маъно оттенкалари йигиндисининг тил бирлиги мазмун-моҳиятида яққоллиги билан характерланувчи луғавий семантиканинг мустақил ҳодисасига энантиосемия деб айтилади.

Энантиолексема, энантиоморфема, энантиофразема энантиосемиянинг асосий бирликлари ҳисобланиб, уларнинг семантик структурасида маъносига кўра **қутбдош семантик вариантлар** (кейинчалик ҚСВ) биргаликда мавжуддир.

Нутқда қўлланилишига кўра тўлиқ ва тўлиқсиз энантиосемияларни учратиш мумкин. Айниқса, **тўлиқсиз шартли-вазиятли** энантиосемик бирликлар фразеологик сатҳда кўп учрайди.

Энантиосемик бирликларнинг асосий белгиларини **луғавий-семантик сатҳ** бўйича қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1.Қутбдош семантик вариантлар (ҚСВ)лар маъно оттенкаларининг қарама-қаршилиги;

2.Парадигманинг икки томонламалиги (бинарлиги);

3.Тил бирлиги доирасида ҚСВларнинг биргаликда ишлатилиши.

ҚСВларнинг семантик тузилишида интеграл ва дифференциал семаларнинг табиатан биргалиги ҳайратга солади. Масалан: бирор бир нарса таъсирида **қуймоқ** (*тропик қуёшнинг тафтидан юзи роса куйди*), бирор бир нарсанинг йўқ бўлиши маъносидаги **қуймоқ** (*шлаган кунлари куйди*). Бу ерда интеграл сема – “*қуйиш ҳолати*” ва “*ҳаддан зиёдлик*”. Энантиосемик бирликлар структурасидаги пайвасталикни грамматик белгилар қаторига киритиш мумкин.

Энантиосемия ҳодисасининг зоҳир бўлиши ҳақидаги муаммонинг долзарблиги ўз кучини йўқотмаган. Энантиосемия ҳодисаси тил тарихи билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир сўз индивидуал муҳокадан ўтиши ва ўрганилишини тақозо этади.

Тадқиқот ишларини системалаштириш натижасида шу нарса аён бўлдики, тил бирлиги доирасида қутбий семантиканинг пайдо бўлишига олиб келувчи умумий омиллар ойдинлашди. Бу омиллар лисоний ва экстралингвистик табиатга эга бўлиши мумкин экан.

Улар таркибига В.Шерцель ўз даврида таъкидлаб ўтган қадимги ўзақлар семантикасининг қоришиқлиги (синкретизм)ни киритиш лозим.

Сўзловчи ўз нутқини домий тарзда турли маъно оттенкаларига эга бўлган сўзлари билан бойитиш ҳаракатида бўлади. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили энантиосемиялари сўзловчи ниятидан келиб чиқиб зоҳир бўлади. Унинг қизиқишлари мунтазам равишда нутқининг қўшимча эмоционал-экспрессив бўёқлар билан таъминланишига, қутбий маъноларнинг пайдо бўлишига шарт-шароит яратиб беради. Оқибатда сўзловчи сўзлаётган нутқининг мазмунига қараб мос, мувофиқ келувчи қўшимча эмоционал-экспрессивликни танлайди. Бундай ҳолатларда мазмун таркибида ижобий ва салбий баҳо муносабатлари бўлган лексемалар ўзгаришга дуч келади ва сўзловчининг мақсадига кўра актуаллашади.

Бой полисемик маъноларга эга бўлган ўзбек аффикслари энантиосемияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари оғзаки нутқда сўзларнинг хато қўлланилиши ва лисоний табуларнинг ишлатилиши, тилга бўлган ташқи таъсирлар оқибатида сўз маъносининг қарама-қаршилик маъноси билан қоришиб кетиш ҳолатигача келишини экстралингвистик омил сифатида ажратиш кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили энантиосемиялари етарли даражада маҳсулдор ва фаол ривожланаётган ҳодисадир. Луғавий бирликлар энантиосемиялари (энантиолексемалар)ни ўрганиш жараёнида нафақат адабий тил фактлари, балки истеъмол доираси чекланган лексика - шевага хос сўзлар, ёшлар слэнгига мурожаат қилинди. Масалан,

айрим шеваларга хос сўзлар:

оғир (одам); *така* (ёстик); *расво* (қизиқчи);

ёшлар слэнгига оид сўзлар:

чакида, *асал* (зўр); *тос бет*, *гувала бет* (бетаъсирлик), *латта* (бўш одам);

жаргонлар:

“Қорнини тўйғазмоқ” маъносидаги ***едирмоқ*** (*болага каша едирди*) ва “алдамоқ” маъносидаги ***едирмоқ*** (*роса едирди*);

“Даво қилиш” маъносидаги ***пахта қўймоқ*** (*оғриётган жойга намақобга шимдирилган пахта қўйди*) ва “тилёғламалик, алдаш” маъносидаги ***пахта қўймоқ***;

“меъёрдан ошиқ қўй” маъносидаги ***қайнатмоқ*** (*телефонни қайнатди*); ***чиримоқ*** (*сени кутавериб, чириб кетдим-ку*); ***қуритмоқ*** (*пулни сарфламоқ*) каби маънолардаги сўзлар.

Луғавий бирликларнинг таснифланиши турли критерийларга боғлиқ. Қарама-қаршилиқни келтириб чиқарувчи семантик компонентлар ёки семаларга қараб, энантиосемаларни номинатив ва эмоционал-баҳоли турларга ажратиш мумкин.

Нутқ жараёнида номинатив энантиосемаларда мантиқий-семантик талқин асосий ўринни эгаллайди, эмоционал-баҳоли энантиосемаларда эса асосий роль экспрессив-баҳоли оттенкаларга берилади.

Номинатив энантиосемаларни унга яқин бўлган бошқа ҳодисалардан алоҳида ажратиб кўрсатиш ҳозирда жуда мураккаб вазифадир. Лекин шундай бўлишига қарамадан номинатив энантиосемаларга контраст семантик вариантлари бўлган ҳодисаларни киритишга ҳаракат қилдик. Булар:

1. Қўлланилиш кўламига кўра бир хил.
2. Белгини ифодалашда бир хил даражага эга бўлиш.
3. ҚСВларнинг аналогик кетма-кетлиги.

Эмоционал-баҳоли энантиосемияларда маъноларни қарама-қарши қўйиш ҳодисаси семантиканинг прагматик компоненти асосида рўй беради.

Сўзнинг семантик структурасида маънонинг сигнификатив ва денотатив элементлари энантиосемиялар учун чексиз (интеграл)дир.

Энантиосемияларнинг эмоционал-сифатлаш типларини ёритишда контекстнинг ўзига хос муҳим роли бор. Масалан:

жавлон урмоқ – “чиройли ҳаракат қилиш” – *Куннинг кеч бўлишига қарамай, Ҳасан от устида жавлон уриб кетди.*

“Бекорчилик билан шуғулланмоқ” – *Ҳар куни шу аҳвол. Эртадан кечгача кўчада бемаъни жавлон ургани урган.*

Энантиолексемаларда у ёки бу аксиологик семаларга изоҳлар бериб бориш бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Тилда сифатлаш - баҳо бериш белгиларини ижобийдан салбийга қараб, ва аксинча алмашлаб қўллаш ҳолатлари учрайди. Нутқда номларида салбий коннотациялар мавжуд бўлган сўзлар ижобий маъноларда ҳам қўлланилади. Масалан, **қароқчи** - “ўғри” ва болаларга нисбатан “қулоқсиз, шўх” маъносида (*Ҳа, қароқчилар! Ҳамма ёқни тўзитиб юборибсизлар-ку?*).

Сўзларнинг синтагматик ва парадигматик хусусиятлари, уларнинг услубий ва грамматик ўзига хосликлари ҚСВларнинг қоришиб кетишига тўсқинлик қилади. Масалан: маъносига қараб **чиройли** сифатининг сўзлар билан боғланиши ҳам ўзгариб боради: агар **чиройли** сўзи “олийжаноб, яхши, силлиқ” маънолари билан қўлланса, турли семантикали

отлар (киши, иш, кўча, оила, урф-одат) билан боғланади. Агар салбий – “жалб қилувчи, диққатни тортувчи, эффектли, аммо мазмунсиз” маъноларда қўлланса, кам миқдордаги отлар (сўзлар, гаплар, нутқ) билан боғланади.

Бойлик, ҳайкал, калла, аҳмоқ, бўзак каби сўзлар услубий мансублигига қараб, фарқланади. Масалан:

бойлик – “эзгулик, яхшилик” маъносида (*соғлигинг – бойлигинг. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик*) ва *бойлик* – “ёмонлик, зиён” маъносида (*бировнинг пешона териси билан орттирилган бойлик ҳеч қачон наф келтирмайди*);

ҳайкал – “ёдгорлик, эсдалик” маъносида (*Шаҳарнинг кўзга кўринган паркларидан бирида Навоийга ҳайкал ўрнатилди*) ва *ҳайкал* – “бекорчилик, бефаросатлик” маъносида (*Кўлидан ҳеч нарса келмайдиган ҳайкални бошимга ураманми?!*)

Калла – “ақллилик, ҳушёрлик, ҳажм жиҳатдан катталиқ” маъносида (*У – калла. Синфимизнинг фахри, ҳақиқий зўр калласи. Полизда тарвузлар калла-калла бўлиб ётибди*) ва *калла* – “нодонлик, анқовлик” маъносида (*Эй, калла! Нима иш қилиб қўйдинг!*)

Дифференциал сифатлаш ҳодисаси субъектнинг сифатлашига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, сифатловчи сўзларнинг болаларга нисбатан қўлланилиши уларнинг талаффузида эркалаш маъно оттенкасини ҳосил қилади, натижада сўзнинг луғавий маъносидаги яққол негативлик (салбий маъноси) хиралашади.

Аҳмоқ, тентак, жинни – болаларга нисбатан “эркалаш” маъносида (аҳмоққинам, тентакча, жиннивой.) Темпорал изоҳ нуктаи назаридан энантиосемияларни синхрон ва диахрон турларга ҳам ажратиш мумкин.

Синхрон энантиосемияларда сўзнинг контраст семантик вариантлари тилнинг маълум бир ривожланиш даврига тааллуқли бўлиб, ўзига хос ўрин тутади. Масалан, *сачрамоқ* – “учмоқ, сочилмоқ” маъносида (*юзимга сув сачради; болта зарбидан атрофга пайраҳалар сачради*); ва *сачрамоқ* “тез, кескин ҳаракат” маъносида (*кўзларидан олов сачраб кетди; балчиққа кесак отма, юзингга сачрайди; ўрnidан сачраб турди*).

Адашмоқ – “сарсон-саргардонлик, узоқ муддат” маъносида (*ўрмонда адашиб қолмоқ; Тоглар ошди, қир ошди, Ойлар бўйи адашди. (Ҳ.Олимжон, “Семурғ”*) ва *адашмоқ* – “йўқотмоқ, айрилмоқ” маъносида (*ёридан адашди; онадан адашган бола*)

Ажаб – “ажойиб, ҳайратомуз, ғалати” маъносида (*ажаб ишлар*) ва *ажаб бўпти, ҳўб бўпти! Кўнглимдаги иш бўпти!*;

Диахроник энантиосемиялар – бу сўзнинг энантиосемияси бўлиб, унинг икки маъносидан бири тилда фаол, иккинчи маъноси эса эскирган, муомаладан чиққан

бўлади. Масалан, афанди, аллома, арбоб, **хон** (*ўзи хон кўланкаси майдон*), **девона** – “ғоят бахтли, шод-хуррам, хушбахт, бахтиёр” маъноларида (*ёрнинг ишиқиде девона бўлмоқ*) ва “ҳеч нарсадан хабарсиз, ғофил” маъносида (*девонага ўхшаб яшашидан шубҳаланаман*).

Энантиосемияларнинг ҳар иккала тури барча услубларда фаол учрайди.

Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, диахроник энантиосемиялар адабий тилда кўпроқ учрайди, синхрон энантиосемияларни эса шевадарда кўпроқ учратиш мумкин.

Истеъмол даражасига кўра энантиосемияларни узул (умумқабул қилган) ва окказионалга (индивидуал) ажратиш мумкин.

Семантик нуқтаи назардан ёки қарама-қаршилиқлар туридан келиб чиқиб, энантиосемияларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. *Градуал* (**бола** “кичкина бола”га нисбатан, **бола** “катта одам”га нисбатан).

2. *Комплементар* (**қайта сайлов** - янги муддатга сайламоқ; янги муддатга сайламаслик).

3. *Векторли* (**чиқмоқ** – бирон-бир ёққа бориш, кезмоқ, кўринмоқ, турмуш қурмоқ).

4. *Конверсив* (бирор нарсага эга бўлмоқ ва бирор нарсанинг эгаси бўлишдан тўхтамоқ маъносида (*қарз олмоқ* ва *қарз бермоқ*))

Аниқлик даражасига кўра энантиосемияларни тўлиқ (симметрик, тўғри, аниқ энантиолексемалар) ва тўлиқсиз (ассиметрик, ноаниқ энантиолексемалар) турларга ажратиш ҳам мумкин.

Тўлиқ энантиолексемалар умумқабул қилган, ҳамма тушунадиган, семантик жиҳатдан турдош бўлади. Масалан, эшитмоқ, кўрмоқ, гапирмоқ.

Гапирмоқ – “мулоқотга киришмоқ, айтмоқ” маъносида (*жамоат жойда баланд овозда гапириш, одобдан эмас*) ва **гапирмоқ** – “ачиб қолмоқ” маъносида (*лагандаги қатиқ гапиряпти*)

Тўлиқсиз (ассиметрик, ноаниқ) энантиолексемалар деб, ноаниқ, маънолари қисман бир-бирига қарама-қарши қўйилган, турли сатҳлар истеъмолида бўлган, турли эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган контраст семантик вариантларга айтилади.

Контраст семантик вариантларнинг истеъмол доирасидан ҳамда уларга хос бўлган экспрессивликдан келиб чиқиб, луғавий энантиосемияларнинг **бир услубли ва турли услубли** турларини кўрсатиш мумкин.

Биринчи турдаги энантиолексемаларнинг контраст семантик вариантлари таниш бўлиб, бир услуб доирасида қўлланилади.

Сўзлашув услубига:

ташимоқ – “олиб кетмоқ”, “олиб келмоқ”;

йиртмоқ “бирор нарсани йўқ қилмоқ» (қўйлагини йиртди) ва «яратмоқ, ишлаб чиқармоқ, барпо қилмоқ» (рекламани, кинони, маърузани йиртиб қўйди).

Нейтрал услубга:

шовқин - “баланд товуш” ва “наст товуш”;

синдирмоқ “ушатмоқ” (нонни синдирди) ва “бирор нарсани йўқ қилмоқ” (идишларни уриб синдирди);

Ҳид “ёқимли, ширин бўй” – (гулларнинг ҳиди) ва “ёқимсиз, қўланса бўй” (туриб қолган озиқ-овқатлар ҳиди)

Етмоқ ёки келмоқ - “амалга ошмоқ, бошланмоқ” маъносида (ниятига етмоқ) ва “хотималамоқ, тугамоқ” маъносида (ниҳосига етмоқ, гапининг ниҳосига келди).

Шуни таъкидлаш лозимки, энантиолексемаларнинг контраст семантик вариантлари табиатига хос равишда функционал услубларга мослашади. Унинг табиати лисоний воситаларнинг экспрессивликка бўлган муносабатида яққол намоён бўлади.

Шунга бўлса керак, тилда сўзларни қарама-қарши қўйишлик кенг ривожланган. Уларнинг вариантларидан бири услубий нейтрал саналса, иккинчиси ўзида қўшимча бўёқни сақлайди ва кўпроқ сўзлашув услубида қўлланилади. Масалан, “ўқишини тугатмоқ” маъносидаги **тамом қилмоқ** услублараро лексикага киради, аммо нутқда семанинг салбий маъноси актуаллашиб, “ўқиш туфайли ўзини бирор бир ёқимсиз нарсага йўлиқтирмоқ” маъносини олиши мумкин.

“Бирор нарсага эришмоқ” маъносидаги **бичмоқ** (Кийим-кечак тикиш учун; уй қуриш учун андоза бўйича бичди) ва “бирор нарсадан маҳрум қилиш” маъносидаги **бичмоқ** (Қўчқорни бичмоқ).

“Бирор нарсанинг ўсиши, униши, ҳосил бериши” маъносидаги **битмоқ** (чўлда пахта битди) ва бирор нарсанинг тугаганлиги” маъносидаги **битмоқ** (уй ёниб битди).

Арбоб – “олим, илм аҳли, доно” ва “фаросатсиз, илмсиз, чала савод” маъносида.

Калла - “фикр, мулоҳаза қиладиган; ақл; мия” (калла ишласа, ечилмаган нарса ечилади) ва “нодон, аҳмоқ, каллаварам” маъносида (билмаган ишга суқилишининг нима кераги бор, калла?) Энантиолексемаларни тасниф қилиш шуни кўрсатдики, сўзларнинг кутбдош семантик вариантлари услубий ҳар хил ва турли қатламларга боғланади.

Энантиолексемаларнинг сўз туркумларига бўлган муносабати ҳам ўзига хос кўринишга эга. Шунга кўра энантиолексемаларни **субстантив, адъектив, адвербиал, феълли ва ундовли** кўринишларини ажратиш мумкин.

Субстантив ва адъектив энантиосемияларда қарама-қаршилик прагматик сатҳда амалга ошади, яъни бу ҳолат у ёки бу субъектнинг ижобий ёки салбий характеристикасига йўналтирилганига боғлиқ.

Ифодалаётган маъносига кўра субстантив гуруҳни асосан конкрет отлар (жонли предметларга нисбатан) ташкил этади. Масалан,

калла – “ақлли, хушёр одам, ҳажм жиҳатдан катталиқ” ва **калла** – “нодон, анқов, аҳмоқ одам”; хотин “аёл ҳақида” ва “бўш эркак ҳақида” ва бошқалар.

Қиз бола - “аёл” ва “аёлсифат эркак” ҳақида;

латта – “мато” ва “бўш, лапашанг одам”;

Шахс феъл-атворини янада очиш, ёритиш мақсадида ҳайвонлар номини қўллаш кенг ривожланган. Масалан, ит, эшак, илон, тулки, ақула, кит ва б.

Буқа – “шоҳдор ҳайвон” ва “гавдаси йўғон, қўпол одам”;

ит – “уй ҳайвони” ва “бекорчи, урушқоқ, саёқ одам”

эшак - “уй ҳайвони” ва “фаросатсиз, меъёрни билмайдиган одам”

тулки – “йиртқич, ёввойи ҳайвон” ва “айёр одам”

Ҳаракат, ходисаларни сифатлаш мақсадида қўлланувчи **мавхум отлар** озчиликни ташкил этади. Масалан:

ажаб – “ҳайратланиш, таажжуб, қизик” (*Ажаб Ҳирот экан! Ҳалвофуруши ҳам Шоир. (Ойбек, “Навоий”.)*) ва “ажаб бўлибди, ажаб қилибди” маъносидаги **ажаб** (*Ажаб бўлибди, хўб бўлибди. Кўнглимдаги иш бўлибди.*)

“Бирор ишни кўнгилдагидек бажармоқ” маъносидаги **бопламоқ** (*Пахта теришни боладик*) ва “Алдаб кетмоқ, панд бериб қўймоқ” маъносида (*у бизни ҳам болади*).

“Эътибор, фикр” маъносидаги **диққат** (*маърузани диққат билан тинглади*) ва “зерикиш, тутақиш” маъносида (*маъруза уни диққат қилди*).

“Ҳафсала билан жуда берилиб бажармоқ, айтмоқ” маъносидаги **эзмоқ** (*ашулани эзиб айтмоқ*) ва “қийнамоқ, қийноқ остига олмоқ” маъносида (*рақибини жуда эзиб ташлади*).

Конкрет отлар гуруҳидан мавхум отлар гуруҳига ўтган **қуён** сўзи – “ёввойи ҳайвон” (*далада қуёнлар кўринмайди*) ва “қочмоқ” (дарсдан қуён бўлибди).

Адъектив энантиолексемалар бу – эмоционал сифатлаш семаси бўлган аслий сифатлардир.

Бундай турга **учар** - “жуда тез чопадиган” маънода (*учар от*) ва “ҳар хил йўл билан истаганини ундира оладиган, ҳар нарсага эриша оладиган, эпчил” маъносида (*учар йигит*)

Роса “яхши” маънода (*роса маза қилиб дам олдим*) ва “ёмон” маънода (*бузун роса чарчадим*) кабиларни киритиш мумкин.

Адвербиал энантиосемиялар асосан ясаиш хусусиятига эга бўлганлиги учун адъектив энантиосемаларга ўхшаш *қойилмақом, қойил*, сўзларининг ижобий ва салбий маънолари билан;

Кутбдош семантикали феъллар сон жиҳатдан бошқа лексемалардан устун туради энантиосемияларнинг турли кўринишларини ёрқин намоён этадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бошқа сўз туркумларидан фарқли ўларок феълли контраст семантик вариантларининг қарама-қарши бўлиш ҳолати одатда сигнификатив сатҳда рўй беради. Аниқроқ қилиб айтганда, номинатив пландаги семалар кутбланиш таъсирига учрайди.

Қарама-қаршилиқ ҳодисаси фақат ядроли семалар сатҳида эмас, балки периферик семалар сатҳида ҳам рўёбга чиқади. Масалан: куймоқ, ёнмоқ, ўлмоқ кабилар.

Ундовли энантиосемиялар алоҳида диққатга сазовор ҳодисадир. Тилшуносликда ҳозиргача ундовлар масаласи устида кўплаб баҳ-мунозаралар олиб борилмоқда. Уларнинг энантиосемия ҳодисасига бўлган муносабати очиқ қолмоқда.

Ундовлар ўзининг полиэмотивлик, нодискретлик табиати билан ажралиб туради. Улар позитив ва негатив йўналишларнинг кенг спектрини ифодалаш хусусиятига эга. Айрим ҳолларда кутбий нақталаргача етиб борган синкретик эмотив семантиканинг мавжудлиги ундовларни эмоционал сифатлаш энантиосемияларига яқинлаштиради. Ие! Вой! Эҳ! Ўҳ! О-ла! Оббо! Туф! Ҳаҳ! Ҳо! Е-ха! Ўҳ-хў! Еҳе! Бе, қўйсангчи! ва б. ундов сўзлар ҳис-ҳаяжон, туйғулар: қувонч, хурсандчилик, завқланиш, ғам, енгил ачиниш, ҳайратланиш, фахрланиш, нафратланиш ва б. ифодалайди.

Энантиосемия ясама ундовларга ҳам хос ҳодисадир. Масалан: Эҳ, худойим-ей! Вой, худойим! Шайтон-ей! ва б.

Энантиосемик лексика ўзининг морфем структурасига кўра туб ва ясама бўлади.

Туб энантиосемияларга ўзагининг ўзида қарама-қаршилиқ маънолари ётган сўзлар киради. Масалан: **иккиламоқ** «иккига бўлмоқ» и «икки қават қилмоқ», қайтармоқ «бермоқ» и «олмоқ», **шуҳрат**, «ҳурмат, машҳурлик» ва «дув-дув гап» ва б.

Ўзакли энантиосемия қоидага кўра сўзнинг синтагматик ёки коннотатив диффузия хусусияти билан боғлиқ бўлади. Контекстда синкретик семантика конкрет номинатив ёки эмоционал-сифатлаш маъноларига **воплошение** сингишиб кетади.

Ўзакли энантиосемия ҳодисалари кўпроқ от ва сифат сўз туркумларига оид сўзларда кузатилди.

Ясама энантиосемиялар гуруҳини ўзагидаги қарама-қаршилик маънолари, аввало, сўз ясалиши, яъни сўз ўзагига турли аффиксларнинг олд ёки кейин қўшилиши ҳисобига ҳосил бўлган сўзлар ташкил этади.

Сўз ясалиши ёрдамида ҳосил бўлган сўзларнинг энантиосемияларини ўрганиш ҳам кизиқ ва мураккаб ишдир.

Сўз ўзагининг олд қисми, ўзакдан кейинги қисмга аффиксларнинг мулоқот мазмунидан келиб чиқиб қўшилиши тилда энантиосемия ҳодисасининг ривожланишига кенг йўл очиб беради. Демак, ясама энантиосемиялар префиксация, аффиксация маҳсулидир.

Қарама-қаршилик маъноларининг ёки шу маъноларга яқин бўлган (*февъллар*) *отларнинг* ҳосил бўлишида ёрдам берувчи ўзбек тили олд қўшимчалари алла-, бе-, бо-, сар-, сер-, бад-, ҳам-, ва б. (префикслар) таҳлил қилинди. Аллақачон, аллаким, алланима, алланарса, аллавақт;

Бадавлат, бадбашара, бадбўй, баджаҳл, бадном, бадковок, беадаб, беайб, беандаза, беандиша, беармон, бебахт, бебаҳо, бевақт, бедаво, бежанжал, бемаслаҳат, бетакрор, бепарво, бесабр, бетараф, беташвиш, бетиним, бефарзанд, бехатар, бехато, беюз, беқарор, беқиёс, беҳисоб;

Бадбадавлат, бадахлок, бадбахт, бадбашара, бадбин, бадбуруш, бадбўй, бадгумон, баджаҳл, баднафс, бадмаст, бадном, бадфевъл;

Боадаб, бовужуд, боиззат, боодоб;

Сарбаст, сармаст, сарлавҳа, сархуш, сарчашма, сарҳад;

Сербарака, сергап, сергул, сергўшт, сердарахт, серёғ, серёгин, сержун, сержаҳл, серзавк, серзарда, серилдиз, серкўсак, сермазмун, серманзара, сермашаққат, сермаъно, сермева, сермехнат, сермой, сермол, сермулозамат, сермўй, сернам, сертуз, серпиёз; ҳамгап, ҳамдард, ҳамжинс, ҳамкасаба, ҳамкасб, ҳамсафар, ҳамхона, ҳамқишлоқ, ҳамюрт, ҳамшаҳар, ҳамсоя, ҳамфикр. ҳамқур;

Тадқиқот натижалари сер- олд қўшимчаси энантиолексемалар шаклланиши учун сермаҳсул эканлигини кўрсатиб берди. Масалан: Сербарака, сергап, сергул, сергўшт, сермой, сермол, сермулозамат каби. Олд қўшимча семантикаси ўзгариши билан префиксли алоқа ва ясама от-негизнинг ҳам табиати ўзгарар экан. Масалан: аллақачон, аллаким, алланима; бадбахт, бадбашара, бадбин, бадбуруш; боадаб, бовужуд; сермўй, сернам, сертуз, серпиёз ва б.

“Ҳаракатни содир этиш мотивацияли февъли фақат “қабул қилиш” шу сўз туркумига оид кўрмоқ, эшитмоқ, қарамоқ ва шунга ўхшаш сўзлар билан боғланиб келади.

Олд кўшимчали от (фeъл) доим ўзидан кейин кўшимча объект маъносини ифодаловчи субъектнинг бутун диққати йўналтирилган эга ва кесимни талаб қилади. Масалан: бемалол гапирмоқ, бемаъни сўзламоқ, бетаъсир бола, бетакрор куй, бефойда иш, бетартиб ўқувчи, бемаза овқат, бепул меҳнат, беминнат хизмат, берухсат кирмоқ, безарар, беғалва, бенишон,

Объект сифатида «ҳаракатни реализация қилиш мотивацияли отлар иштирок этади. Маърузани кўриб чиқмоқ – жинойтчини *кўриб* чиқмоқ.

Тилда жонли предметлар номи юилан келувчи энантиосемиялар жуда камчиликни ташкил этади. Аммамнинг бузоғидай; Навоийни эшитмоқ (асаридан); Листни эшитмоа (муסיқани), Пушкинни кўриб чиқмоқ (унинг асарларини) ва б.

Тилда ўзакка кўшимча кўшилиши билан ясама сўзлар энантиосемиялари ҳосил бўлади. Улар одатда субъектив сифатловчи кўшимчалари бўлган эмоционал-сифатлаш энантиосемияли сўзлар билан боғланган.

Ўзбек *диминутивларининг* асосий хусусиятларидан бири, бизнинг фикримизча, уларнинг тилда қўлланилиш жараёнида кўпинча кўшимчаларнинг эмотив маънолари диминутивлар табиатан боғлиқ бўлган эркалаш, кичрайтириш семаларини иккинчи планга суриб, ўзлари биринчи планга чиқади. Шунинг учун ўзбек тилидаги субъектив сифатловчи эмоционал-сифатлаш маъносига эга бўлган айрим кўшимчалар устида тўхталиб ўтсак.

Сўзловчининг позициясига қараб, нутқда -ча, -чоқ, -чак, -чик, -лок, -жон, -хон, -ой, -бегим, -нисо, -бек, -гина (-кина) каби аффиксларининг семантикасида пейоратив ва мейоратив компонентлар фаоллашади.

Масалан: Анварча - “кесатиқ” маъносида.

Этикча, кўйлакча, уйча, боғча, китобча, мушукча; кўзичоқ, келинчак, қопчик; кизалоқ, бўталоқ (эркалаш, кичрайтириш маъносида).

Укажон, болажон, опажон, дадажон, ойижон; акахон, опажон, Лолахон; Турсуной, Чўлпоной; Нодирабегим; Зебинисо, Моҳинисо; Ойбек, Отабек (хурматлаш маъносида).

Қизгина, болагинам, шўрликкинам (кичрайтириш, ачиниш маъносида).

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослигида бир сўз доирасида содир бўлаётган турли семантик ўзгаришлар энантиолексемаларнинг қотиб қолган шакл эмаслигини тасдиқлайди. Улар тилда турли структур ва семантик ўзгаришларга учрайди. Бу эса энантиосемаларнинг динамик табиатини янада ёрқинлаштиради.

3.2. Энантиосемиядаги салбий бўёқдорлик

Салбий бўёқдор энантиосемик сўзларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

Аллома – Бу ердан буюк алломалар етишиб чиққан.

Қайси аллома ёзди буни?

Мурувват – Бу болаларга мурувват кўрсатилиши керак.

Бизга бундай мурувватнинг кераги йўқ.

Қиз бола – (ўз маъносида)

Намунча қиз болага ўхшамасанг!?

Хулоса

Лексик бирликларнинг семантик қарама-қаршилиги муоммосини тадқиқ этиш қуйидаги умумий хулосаларни чиқаришга имкон беради.

1. Қарама-қаршилик воқеа-ҳодисаларнинг баҳолашда асосий мезонлардан ҳисобланади. Оламни англашда қарама-қаршилик категориясининг ўрни беқиёс. Ҳодисаларнинг моҳияти очилишида ҳеч нарса уларнинг қарама-қаршисидан фойдаланишдек аҳамиятли эмас. Қарама-қаршилик нафақат объектив борлиқ ҳодисалар инъикоси тарзида, балки тафаккур оламининг маҳсули сифатида ҳам юзага келади.

2. Қарама-қаршилик ҳодисаси тилшуносликда асосан антонимия номи остида талқин қилинади. Аммо антонимияни белгилашдаги ўлчовлар, хусусан, туркум асосидаги чеклов қарама-қаршилик моҳиятини етарлича қамраб олиш имкониятини бермайди. Зеро, сўзларнинг туркумланишга асос булувчи категориал сема сўз мазмуний структурасидаги нисбатан энг умумий характерли компонентдир. Улар на қарама-қаршилик муносабатини юзага келтиради, на унинг мавжудлигини инкор эта олади.

3. Сўз доирасида қарама-қаршилик маъно оттенкаларининг мужассамлик критерийси энантиосемик бирликларни ажратиб туради. Умуман олганда луғавий ва фразеологик энантиосемияларнинг структураси бир хил, ўхшашдир. Фразеологик бирликларнинг энантиосемияси луғавий бир ликларнинг энантиосемиясига қараганда мураккаброкдир. Бунга сабаб шундаки, фразеологик иборалар сўзларга нисбатан ўзларининг тузилиши ва семантикасига кўра анча ўзига хосдир. Фразеологик сатҳда тасвирийлик, ҳиссий, баҳолаш ва прагматик сатҳларнинг фразеологик бирликлар семантикасида тутган ўрни қатор кўшимча ўзига хосликларни улар энантиосемияларига сингдиради.

4. Энантиосемия омонимия, антонимия, синонимиялар билан бир қаторда лексик семантиканинг мустақил категориясини намоён этади. Модомики, энантиосемияларга тааллуқли бўлган бир қанча ўзига хосликлар биронта бир бошқа луғавий-семантик категорияларда учрамайди. Тилимиздаги энантиосемик лексемалар ўз ичига 200 га яқин (луғатларда қайд этилган) бирликларни олади.

5. Оғзаки нутқда луғавий ва фразеологик материалнинг қўлланилиш кўлами жуда кенг бўлиб, оғзаки мулоқотда энантиосемик маънолар спонтан тарзда чексиз-чегарасиз пайдо бўлади.

6. Энантиосемик тил системасидаги бошқа лексик-семантик муносабатлар, хусусан, антонимия ва полисемия асосидаги тадқиқи ҳодиса моҳиятини янада тўлиқ акс эттиради.

7. Энантиосемик бирликлар оксюморен ҳодисасини вужудга келтирувчи асосий омил сифатида характерланади. Бу эса энантиосемик бирликларнинг функционал жиҳатдан алоҳида бадий қимматини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: 1992.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Т.: Фан, 1985.
4. Махмутова Л. Основные типы энантиоисемии в современном русском языке. Дис. кан. фил. наук. Казань. 2009.
5. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис) Т.: Ўқитувчи, 1995.
6. Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари. – Андижон. 1980.
7. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Т.: Ўқитувчи. 1995. 8. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. Т.: Фан. 2008.
9. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. Андижон. 2006.
10. Нурмонов А. Ва бошқа. Ўзбек тилининг мазмуний синаткси. Т.: Фан, 1992.
11. Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Т.: Фан. 2008.
12. Нурмонов А., Искандарова Ш. Умумий тилшунослик. – Андижон. 2007.
13. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Д.Набиева. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. (Морфология) Тошкент, “Янги авлод”. 2001.
14. Русча-ўзбекча луғат. Т.: 1983.
15. Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Т.: Фан. 2008.
16. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2008.
17. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида талқин этиш. Т.: Маънавият. 2004.
18. Содикова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. Т.: Фан, 1972.

19. Сусов И.П. Семантика и лингвистическая прагматика // В.кн. Язык, дискурс и личность. – Тверь. Изд-во Тверского университета. 1990.
20. Шоабдурахмонов ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: Ўқитувчи. 1980.
21. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: Русский язык. 1981. I, II том.
22. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2008 йил I-V том.
23. Ўзбек тили лексикологияси. Т.: Фан, 1981.
24. Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1978.
25. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент.Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашрети, 2002.
26. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: 1980.
27. Ҳошимов Ў. Таланган асарлар. Т.: 2010.
28. Қодиров П. Юлдузли тунлар. Т.:
29. Ойбек. Танланган асарлар. Т.:
30. Саид Аҳмад. Уфқ. Т.:
31. М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча